جديد

2026-yil 13-mart
№ 11 (115)
www.jadid.uz

Tilda, fikrda, ishda birlik!

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

ТАРАДДУД



# НАВРЎЗНИ УЛУҒЛАШ ИНСОННИ УЛУҒЛАШДИР!

**Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгиланиш ва юксалишларни асрлар давомида тўла намоён қилиб келаётган Наврўз энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири ҳисобланади.**

Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида Қуёш йили ҳисобидаги дастлабки ой тўғрисида сўзлаб: “Бу ойнинг биринчи куни Наврўздир”, дейди. Наврўз нафақат шарқона янги йилнинг бошланиши, балки инсон қадрини улуғлаш, жамиятда ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш каби олижаноб ғояларни ифодалаши билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда бу улуғ айёмнинг маъно-мазмуни янада чуқурлашиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган эзгу қадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 мартдаги “2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори Наврўзнинг миллий қадриятларимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббусдир. Қарорга биноан, байрамнинг асосий ғояси “Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашдир!” деб белгилангани бежиз эмас. Бу ғоя жамиятимизда инсон қадрини юксалтириш, фуқароларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан муштарак.

Қарорда байрам тадбирларини табиат ва инсон ўртасидаги уйғунликни ифода этувчи мазмунда ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса она заминга меҳр ва эҳтиромни кучайтириш, атроф-муҳитни асраш, табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришдек муҳим ғояларни кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Бу йил Наврўзнинг муборак Рамазон ҳайити билан ҳамоҳанг тарзда нишонланиши байрамнинг маъно-мазмунини чуқурлаштириб, маънавий қимматини янада оширади.

Наврўз кунлари халқимизнинг бетакрор меҳр-оқибати ва бағрикенглиги туфайли ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш азалдан анъанага айланган. Кўчат экиш акциялари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳар ва қишлоқларимизга ўзгача файз бағишлайди.

Байрам тадбирларида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар муҳим ўрин тутади. Юртимизда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий урф-одат ва анъаналари, бой маданий меросининг кенг намойиш этилиши жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатликни юксалтиради. Бундай тадбирлар ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга беқиёс таъсир кўрсатади.

Наврўз ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 19 февралдаги 64-сессиясида 21 мартни “Халқаро Наврўз куни” сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шу тариқа, Наврўз бугун бир миллат ёки маданиятнинг байрами эмас, бутун инсоният меросининг ажралмас қисмига айланган.

Наврўз яхши қўшничилик, ҳамкорлик, маданиятлараро мулоқотни рағбатлантиришга хизмат қилади, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Қадимда Наврўз байрами куни урушлар тўхтатилган, гина-кудуратлар, аразлар унутилган. Бу қутлуғ айём асрлар мобайнида эзгулик тимсоли, инсонлар қалбида ёруғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбарининг Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб нишонлашга оид қарори халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик қудратини улуғлайдиган, унинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий руҳини ифода этадиган эзгу айём шукуҳини янада оширишга хизмат қилади.

**Жамолиддин БАДАЛОВ**

КУЗАТУВ

# УММОНДАН БАҲРА




**Қорақалпоқнинг мумтоз шоири Бердақ: “Навоийдан савод очдим”, деб ёзади. Яна бир улуғ ижодкор Ажиниёз эса ҳазрат Алишер Навоий мурожаат қилган кўплаб баҳрларда ғазаллар битган. Туркий тиллар қаторида қорақалпоқ тили ва адабиёти ҳам Алишер Навоий уммонидан баҳраманд бўлган ва бўлиб келмоқда. Бунда шоир асарларининг таржимаси алоҳида аҳамият касб этади.**

Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан қорақалпоқ матбуотида бир қанча асарлар таржимаси дунё юзини кўрган. Хусусан, 1938 йили “Қизил Қорақалпоғистон” газетасининг бир неча сонида “Фарҳод ва Ширин” достони М.Дарибоев, “Лайли ва Мажнун” достони А.Шамуратов таржимаси билан нашр этилган.

*(Давоми 2-саҳифада).*

“JADID” МЕҲМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН – ТАБАРРУК ЗАМИН

*ТУРКСОЙ Бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон РАЕВ билан суҳбат*



**– Султон оға, ўзбек зиёлилари ва китобхонлари Сизни таниқли адиб ва драматург сифатида яхши билади, қадрлайди, миллий матбуотимиздаги ҳар бир чиқишингизни илиқ қарши олади. Суҳбатимиз Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига тўғри келди. Биламиз, Сиз ўзбекчада ҳам равон сўзлайсиз, демак, ҳазрат асарларини аслиятда ўқиб, баҳраманд бўлгансиз. Шундай эмасми?**

*(Давоми 2-саҳифада).*

ВАТАН МАНЗУМАСИ

**Тўра СУЛАЙМОН**

# ИЛТИЖО

Баҳор келса бошланур боғда булбул хониши,
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши,
Қирларда лола сайли, қишловларда йил боши.
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда?
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?
Баҳор, сенсиз саҳрою тоғу тошга жон қайда?
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим,
Саодатга ишора – замонга ошиқлигим.
Теранликка ишора – уммонга ошиқлигим,
Гўзалликка ишора – бўстонга ошиқлигим.
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик,
Кўкламнинг ҳар нафаси – умрга арзигулик,
Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик…
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринглар – кимларнинг кўз ёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Ҳар баҳор эслар уни қавму қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман.
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.



САРҲИСОБ

# “ЭЛ ДЕСА НАВОИЙНИ...”



## ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ МАЪНАВИЙ БАЙРАМ

Ҳар миллатнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси унга мансуб даҳоларнинг хизматлари, бой мероси, илмий кашфиётлари билан ўлчанади.

Буюк шахслар – миллатнинг инсониятга йўллаган сўзи, унинг қалби ва тафаккурининг жаҳонга очилган эшигидир. Биз толеи кулган миллатмиз – дунё ижодкорлари орасида энг кўп сўз қўллаган шоиримиз бор. “Хамса”дек улкан достонни туркий тилда яратган, ҳали девон тузмасиданоқ довруғи қўшни юртларга етиб борган, мухлислари унинг шеърларига эҳтиёж туфайли икки девонни ўзлари тартиб берган шоир ҳам бизники. Бизнинг фахримиз буюк мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий номида мужассам.

Улуғ аждодимиз таваллудининг 585 йиллиги юртимиз ва жаҳон миқёсида маънавий байрамга айланди. Санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар нафақат илмий, балки маънавий уйғониш руҳини ҳам намоён этди.

Хусусан, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида адабиётшунослик тарихида илк марта Навоийшунослар форумининг ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этди. Унда халқаро миқёсда фаолият юритаётган юздан ортиқ навоийшунос олимлар, шоирлар ва тадқиқотчилар қатнашди.

*(Давоми 5-саҳифада).*

# ФАКТ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, 2026 йил 1 апрелдан Адлия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасида Киберхавфсизликни таъминлаш бўлими ташкил этилади.
- Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан 13–14 март кунлари “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.
- Халқаро нуфузга эга “Condé Nast Traveler” нашри Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини июнь ойида ташриф буюриш тавсия этиладиган энг яхши манзиллар қаторига киритди.
- “Ўзбекнефтгаз” Хитойнинг “XIBU” компанияси билан 2026-2027 йилларда Ўзбекистонда 30 та қудуқ бурғилаш бўйича шартнома имзолади. Лойиҳа доирасида 450 тонналик юк кўтариш қувватига эга 10 та бурғилаш дастгоҳини Ўзбекистонга келтириш кўзда тутилган.

МУНОСАБАТ




# КИТОБХОНЛИК ШАХСИЙ МАСАЛА ЭМАС

**Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда маънавий тараққиёт ва фикрлаш маданиятини мустаҳкамлаш йўлида муҳим сиёсий йўналишни, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни белгилаб берди.**

Бу вазифаларни бажариш жараёнида китоб тарғиботини қандай шаклда амалга ошириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки китобхонликни ривожлантириш учун қарор қабул қилишнинг ўзи етарли эмас. Унинг ижросини сифатли ва тўғри механизм билан таъминлаш керак. Қарорнинг ҳар битта бандида бажарилажак вазифалар, келгуси режалар аниқ ва пухта кўрсатиб ўтилган.

*(Давоми 8-саҳифада).*

ХУШ КЎРДИК

# БАРЧА ЙЎЛЛАР ВАТАНГА ЭЛТАДИ!



**Германиядаги “Humanitäre schule” хусусий мактаби бошқарувчиси Марям СУЛТОНОВА билан суҳбат**

**– Германия нафақат Шиллер, Гётенинг ватани, шу билан бирга, Европанинг кўзини очган, тафаккурини ўзгартирган Мартин Лютер каби буюк даҳоларнинг, илм-маърифат борасида йирик ислоҳотлар ўтказган фидойи инсонларнинг юрти. Мана шундай юртда ҳамюртларимиз айни таълим соҳасида ишлаб муваффақиятга эришаётгани ҳам ҳайратланарли, ҳам қувонарли ҳол. Германиядаги тартиб-интизом, менталитет, дунёқараш бутунлай бошқа бўлишига қарамасдан, хотин-қизларимиз бу ерда ҳам ўз ўрнини топиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб меҳнат қилмоқда.**

*(Давоми 3-саҳифада).*

# ЎЗБЕКИСТОН – ТАБАРРУК ЗАМИН

Бошланиши 1-саҳифада.

– Навоий туркий тилнинг ҳайратомуз имкониятларини ижоди орқали исботлаб берган. У нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатган бетакрор сиймодир. Буюк мутафаккир туркий тилда ижод қиларкан, уни юксалтириб, имкониятларини намоён этди. Алишер Навоий нафақат буюк шоир ва мутафаккир, балки йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам маданият ва санъат тараққиётига улкан ҳисса қўшган. У темурийлар даврида Ҳирот шаҳрини йирик илмий-маданий марказга айлантириш ташаббусини илгари сурди ва бунга эришди ҳам.

Болалигимда ўзбек дўстларим кўп эди. Бемалол ўзбекча гаплашардим, чунки қирғиз ва ўзбек тили жуда яқин. Она тилим қанчалик азиз ва қадрдон бўлса, ўзбек тили ҳам она сути билан қалбимга кирган. Шунинг учун ҳам, Навоий ижоди билан болалик чоғларимдан танишиш бахтига муяссар бўлганман, ғазал ва рубоийларини ёд олганман, ҳалиҳануз ўлмас сатрларини такрорлаб юраман.

Навоий – ўлмас сиймо. Ҳар лаҳза, ҳар кун ва ҳар қадамда буюк зотга таъзим қилсак, унинг асарлари билан фахрлансак арзийди. Яқинда Ўш шаҳрида ул табаррук зотнинг ҳайкали тантанали равишда очилди. Ўзбекистондан нуфузли делегация қатнашган маросим чинакам дўстлик байрамига айланди. Бу икки қардош халқ ўртасидаги маданий ва дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир хайрли қадам бўлди.

**– “Туркий дунё Алишер Навоийдан қарийб 500 йилдан кейин адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди”, деган гап бежиз айтилмаган. Не бахтки, ана шундай шахс билан ватандош, замондош ва суҳбатдош бўлгансиз.**

– Дарҳақиқат, Чингиз Айтматов – жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирган буюк ёзувчи. Унинг ижоди инсониятни эзгуликка, адолатга ва маънавий покликка чорлайди. Айтматов фаолияти нафақат адабиёт, балки адабий жамоатчилик ва дипломатия соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Асарларида инсон ва табиат муносабати, маънавий таназзул, виждон, хотира, миллий қадрият мавзуларига катта урғу берилади. Шунинг учун ҳам, адиб асарлари миллат танламайди.

Чингиз Айтматовни устозим дейишдан фахр туяман. У киши ҳақиқий маънода менга суянч эди. Китобларимга сўзбоши ёзиб берган, “Макка томон узоқ йўл” драмам саҳналаштирилганда, театрга келиб томоша қилган. Устоз ўшанда менга дуо берган. Дунё таниган, тан олган инсоннинг дуосини олиб кам бўлмадим.

Чингиз оғани охирги бор кўрганимда икки соатча суҳбатлашгандик. Сездимки, устоз анча ҳорғин, аммо фикрлари дадил ва самимий эди. Яхшиям, ўша дийдор насиб қилибди. Кўп ўтмай... қирғиз халқи ўзининг буюк фарзандидан жудо бўлди. Аллоҳнинг азму иродаси, бошимиз эгилди, қалбимиз йиғлади. Устоз вафот этган бўлса-да, ундан гўзал ва таъсирчан асарлар қолди. Биз қўлимиздан келганча унга эргашамиз, хотирасини ёд этамиз.

**– Сиз халқаро тажрибани чуқур ўрганган, айни пайтда, Ўзбекистондаги ислоҳотларни яқиндан кузатиб келаётган давлат ва жамоат арбобисиз. Ўзбекистон раҳбарининг маданият ва санъат йўналишидаги ислоҳотлари ҳақида нима дея оласиз?**



– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маданият ва санъат соҳасига жуда катта эътибор қаратмоқда. Бу нафақат миллий маданий меросни сақлаш ва ривожлантириш, балки замонавий ижодий муҳит яратиш, халқаро майдонда миллий брендни тарғиб қилиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш билан боғлиқ кенг кўламли сиёсатдир.

Шавкат Мирзиёев олиб бораётган тарихий ислоҳотларни, оқилона ва одилона сиёсатни бутун дунё кузатиб, тан олмоқда. Ўзбек халқи тарихда икки Ренессансга асос солган. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга асос қўйилмоқда. Унинг пойдевори замонамизнинг буюк сиёсатчиси, давлат арбоби Шавкат Мирзиёев ғоялари ва ташаббуслари асосида мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир жабҳада янгиланиш ва ўзгариш кўзга ташланяпти. Илм-фан, маданият, спорт, тиббиёт, иқтисодиёт... Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари билан дадил тажриба алмашмоқда.

Фахрланса арзийдики, Ўзбекистон замини дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган не-не буюк зотларни тарбиялаган. Абу Али ибн Сино илми замонавий тиббиётга пойдевор бўлган. Буюк муҳаддис Имом Бухорий жамлаган ҳадислар ислом оламининг бебаҳо мероси ҳисобланади. “Зижи жадиди Кўрагоний”ни тузган Мирзо Улуғбекнинг 1018 та юлдуз ҳақидаги кашфиёти дунё астрономларини ҳали-ҳануз лол қолдиради. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби олимлар ҳам сизнинг табаррук заминингизда туғилган, камол топган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари барчамизга маълум. Яқинда Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Президент қарори имзоланганидан хабарим бор. Унда, жумладан, мавзуга оид тарихий-бадиий ва ҳужжатли фильмларни хорижий мамлакатларда намойиш этиш белгилаб қўйилгани хайрли ишдир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон асари асосида “Улуғ Амир ва донна Мария” тарихий-бадиий фильми суратга олинганини биламан. Жорий йилнинг май ойида Будапешт шаҳрида фильм тақдимотини ўтказишни режалаштиряпмиз. Насиб қилса, келгусида бошқа давлатларда ҳам фильм тақдимотини ташкил қилиш ниятимиз бор. Чунки Соҳибқирон Амир Темурнинг Европа давлатларига кўрсатган таъсири, санъат, маданият соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, инсонпарварлик сиёсати мазкур фильм мазмун-мундарижасини ташкил қилади. Бундан ташқари, “Тирик тарих” дастури доирасида буюк аждодларнинг бой маънавий-илмий меросига бағишланган бадиий фильмлар яратилмоқда.

Ўзбек диёрида кўҳна анъаналар бардавом. Муҳими, дунёни ҳайратга солаётган янги авлод бор, уларни қўллаб-қувватлаётган, ғамхўрлик кўрсатаётган давлат раҳбари бор. Шавкат Мирзиёев олиб бораётган кенг қамровли сиёсатга биз ҳам хайрихоҳмиз.

Ўзбекистон маданияти, санъатига ҳурматим баланд. Айнан Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуси билан мақом ва бахшичилик санъати, “Лазги” рақси қайта ҳаёт топди. Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, “Лазги” халқаро рақс фестивали жорий қилинди. Бу нуфузли халқаро маданий лойиҳаларда Президентнинг шахсан қатнашиши мени доим ҳайратга солади.

Яна бир мисол. Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан “15 апрель – Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни” сифатида нишонлаб келинмоқда. Мен ўтган йили Андижонда ташкил этилган байрамда қатнашиб, мамлакатингизда соҳа ходимларига нақадар юксак эътибор қаратилаётганига яна бир карра амин бўлдим. Бу – жаҳон айвонида кам кўриладиган фавқулодда ғамхўрлик намунаси.

**– Дарҳақиқат, бугун дунё маданият ва санъатдан кўра уруш ва фитнага кўпроқ эътибор қаратаётгандай, маърифатни эмас, жаҳолатни молиялаштиришга зўр бераётгандай. Мана шундай мураккаб даврда туркий халқлар бирлиги, санъати ва маданияти уйғунлигига нажоткор кучлардан бири сифатида қараш мумкинми?**

– Дунё, ҳақиқатан ҳам, мураккаб жараёнларни бошдан кечирмоқда: қуролли можаролар, сиёсий курашлар, ахборот уруши, маънавий инқироз... Булар жаҳолат, маънавий ҳалокат, санъат ва маданиятни йўққа чиқарувчи офатлардир. Лекин санъат – қуролдан устун турадиган, қалбга таъсир кўрсатадиган, фикрни ўзгартирадиган катта куч. Фикр ўзгарса, одамзотнинг муҳитга муносабати ҳам ўзгаради. Туркий халқлар маданиятида инсонпарварлик, бағрикенглик ва адолат ғоялари азалдан кенг тарғиб қилиб келинган.



Шаҳрибону ИМОМОВА

Ана шундай бой маънавий мерос орқали жаҳолат муҳитини юмшатишимиз керак. Бунга қодирмиз. Қурол-аслаҳа, уруш – тинчликнинг душмани, аммо маданият ва маърифат эзгуликка ундайди, тинчлик-осойишталикни улуғлайди.

Сиз таъкидлаган бирлик ва уйғунликнинг ёрқин намунаси ўлароқ, ТУРКСОЙ Доимий кенгашининг қарори билан “Андижон – 2026 йилда туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинди. 2020 йилда Хива шаҳри шундай мақомга эга бўлган эди.

Андижон – буюк шоир, атоқли давлат арбоби, етук саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юрти. Жадидлар ҳаракатининг ёрқин намояндаси Чўлпоннинг киндик қони тўкилган тупроқ... Ўзбек миллий қўшиқчилиги соҳасида улкан мактаб яратган машҳур ҳофиз ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевни тарбиялаган макон. Муҳаммад Юсуфдек дилбар шоирни вояга етказган, мақом санъати дарғаси Муножот Йўлчиевани бизга тақдим этган табаррук замин... Яна қанча-қанча даҳолар бешиги.

Андижоннинг мазкур мақомга эга бўлиши ўзбек маданияти ва санъатини халқаро миқёсда танитиб, туркий мамлакатлар билан маданий алоқани янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу мақом туркий тиллар ва анъаналарни ўрганишни, маданий дипломатияни янги босқичга кўтаради.

Андижон учун ранг-баранг лойиҳалар тайёрланмоқда. Биз яқинда Андижонда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги раҳбарияти билан учрашдик ва йил давомида амалга ошириладиган тадбирларимиз хусусида атрофлича гаплашиб олдик. Ҳали ҳаммаси олдинда. Энг муҳими, бу йил Андижон учун ўзига хос маданият йили бўлади. Бу шаҳар тимсолида Ўзбекистоннинг бетакрор маданияти, анъаналари халқаро миқёсда янада кенг тарғиб қилинади. Мана шу эзгу вазифага ҳисса қўшиш биз учун катта шарафдир.

**– Кун тартибингиз тиғиз бўлишига қарамай, суҳбат учун вақт ажратганингиздан миннатдормиз! Самимий суҳбат учун катта раҳмат.**

МУЗЕЙ

# ҚИШЛОҚДАГИ ХАЗИНА

**Каттақишлоқ – Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида жойлашган. Ғўбдин тоғ тизмаларига туташ, табиати ва тарихи бетакрор бу қишлоқдаги 3-мактабда бундан 45 йил олдин ўлкашунослик музейи ташкил этилган. Музей моҳир педагог, ёшларнинг ардоқли устози Абирқул Бўтаев номи билан чамбарчас боғлиқ. У кишига Самарқанд давлат дорилфунунини битириш арафасида олийгоҳда қолишни кўп таклиф қилишган. Лекин у шундоқ ҳам ўқитувчи етишмаётган қишлоқ мактабида ишлашни танлади.**



Ёш ўқитувчи ишга кирган дастлабки кунларидан бошлаб дарсларида тарихий материаллардан фойдаланишга интилди. Ўқувчилар ҳам тарих муаллимининг археологик қазилмалар ҳақидаги ҳикояларидан илҳомланиб, дарсдан кейин қўлларига белкурак олиб, Сарипултепа, Давлаттепа, Босмачи кўприк, Кампирдевол тепаларида изланишлар олиб боришди. Тарихий жойлардан турли асрларга мансуб кўплаб ноёб топилмалар – меҳнат қуроллари, сопол идишлар, эски тангалар, кулолчилик буюмлари, мис идишлар чиқа бошлади.

Бу экспонатлар тарих дарслари билан боғланиб кетгани боис, Абирқул Бўтаев дастлаб “Ёш ўлкашунослар” тўгарагини очди. Кейинчалик мингга яқин экспонатларни 19 бўлимга ажратиб, ўлкашунослик музейини ташкил қилди. Эски омочлар, бўйинтуруқ, ёғоч паншахалар, чархлар, дон майдалайдиган ёрғучоқлар, хитой чиннилари, араб мунчоқлари, тангали жаваклар, XV-XVIII асрларга оид қора чироқлар, қорақалпоқ сирғалари, галвирак зираклар, манглайқош, X асрга мансуб Исмоил Сомоний, XV асрдаги Амир Темур тангалари, XIX-XX асрларга тааллуқли тўқима уст-бошлар, чимматлар, от-улов анжомлари, патефонлар, “Зингер” тикув машинаси, салкам 5 челак сиғимли хум, кўзалар, V-VIII асрга оид археологик топилмалар – сопол ҳайкалчалар нодир экспонатлар ҳисобланади. Кушонлар даврига оид катта сопол хум – остадон ҳам шу қишлоқ тепалигидан топилган. Хумда одам суяклари борлиги аниқланган.

Ўша пайтлари “Қизиқарли физика”, “Қизиқарли астрономия”, “Қизиқарли геометрия” фанлари қатори тарихни ҳам қизиқарли ўтиш учун кўргазмали воситаларга эҳтиёж сезиларди. Абирқул Бўтаев бошқа туманлардан келган ўқитувчиларга ҳам музейдаги кўргазмали қуроллардан амалиётда фойдаланишга рухсат берарди. Республикамиз бўйлаб тарих ўқитувчилари ёш муаллимдан дарсни экскурсия шаклида музейда ўтиш тажрибасини ўрганган.

Музей экспонатлари мустақил тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб, илмий изланишлар олиб борган. Уларнинг ёзишича, Абирқул Бўтаев саволларга камтарлик билан жавоб берар, ўзининг жонкуярлиги ва юртпарварлиги ҳақида умуман оғиз очмасди. Ҳа, оддий қишлоқларда бир қарашда кўзга ташланмайдиган одми ва айни пайтда билимдон, узоқни кўра оладиган донишмандлар бор.

Абирқул оға эллик беш ёшида, айни қирчиллама пайтида оламдан ўтди. Аммо унинг саъй-ҳаракати самараси бўлган мўъжаз музей барҳаёт устоз бўлиб, ўқувчиларга, туман аҳолисига тарихдан сабоқ бериб келмоқда.

Яқин орада Булунғурга йўлингиз тушдими? Каттақишлоққача қанча йўллар обод бўлди, янги мактаблар, касалхоналар қурилди. Туризмни ривожлантириш мақсадида узоқ манзилларга элтадиган сўнгги русумдаги автоуловлар қатнови йўлга қўйилди. Ҳаётимиз фаровонлашиб бормоқда. Айни ана шу доруломон кунлар қадрини англашимиз учун бизга ўтмишдан ҳикоя қиладиган ашёлар манбаи – музей жуда ҳам зарур. Ўйлаймизки, Абирқул муаллимнинг мактаб синфхоналарига сиғмай, хонадонларда сақланаётган ноёб коллекция ашёлари ҳам замонавий кўргазма расталаридан жой олиб, алоҳида масканда ўз умрини давом эттиради.

Зеро, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

**Феруза ТЎЙЧИЕВА,
Булунғур туманидаги
3-мактаб ўқитувчиси**

# УММОНДАН БАҲРА



Бошланиши 1-саҳифада.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Байниёз Қайпназаров “Ҳайрат ул-аброр” достонини таржима қилган. Жўлмирза Аймирзаев ва Наврўз Жапақов томонидан айрим ғазаллар қорақалпоқчага ўгирилган. Матен Матназаров 1961 йилда “Садди Искандарий” достонини қорақалпоқ китобхонларига тақдим этган. Даулен Айтмуратовнинг таржималари 1977 йилда “Қорақалпоғистон” нашриётида босмадан чиққан.

Кейинги йилларда қорақалпоқ адабиётида Алишер Навоий ижодига қайта-қайта мурожаат қилинган. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов мухаммасларини оласизми, Абулқосим Ўтепбергенов, Туркменбой Жиямуротов ғазаллари ёки Шарафаддин Аяпов, Жабборберган Шамуратов томонидан Навоий ғазаллари таржимасини оласизми, барчасида даҳо шоир ижодига чексиз ҳурмат ва эҳтиром балқиб туради.

Маълумки, ғазал жанри шаклий хусусиятлари, ўзига хос ритми ва мусиқийлиги билан ҳам кишини мафтун қилади. Демак, бу хусусиятлар ғазалнинг иккинчи умри – таржималарда ҳам ифода топиши шарт. Агар таржима яхши чиқмаса, уни ўқиган китобхон, таржимоннинг нўноқ ишига эмас, муаллифнинг ўзига ихлоссиз қарай бошлайди. Таржимон муаллиф услуби, давр руҳи, адабий анъана кабиларни яхши ўзлаштирган бўлмоғи лозим.

Айниқса, ғазалларни таржима қилиш ўта қийин ва масъулиятли ишдир. Навоий эса айнан шу жанрда баракали қалам тебратган шоир. Оҳангдор ритмик ҳижолар асосида таркиб топадиган ғазалларни таржима қилиш учун аруз назариясини пухта билиш, мумтоз назм анъаналаридан яхши хабардор бўлиш керак. Чунки бирор ғазални вазнини сақлаган ҳолда бошқа тилга кўчириш – унинг оҳанги, бинобарин, шоирнинг кайфияти, туйғуларини ҳам етказиб бериш, демакдир.

Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, “Қорақалпоқ адабиёти” газетасида Алишер Навоий ижодидан берилган айрим таржималарни кузатдик. Газетада эълон қилинган Ибройим Юсупов, Абулқосим Ўтепбергенов, Жабборберган Шамуратов таржималарини муваффақиятли чиққан, дейиш мумкин. Бу таржималарда ғазалларнинг композицион қурилиши, маъноси, оҳанги, қофия ва радифларини сақлашга катта эътибор берилган.

Ушбу таржимонларимиз томонидан ўгирилган ижод намуналари қорақалпоқ адабиётини бойитишга ҳисса қўшмоқда.

**Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

# БАРЧА ЙЎЛЛАР ВАТАНГА ЭЛТАДИ!



Бошланиши 1-саҳифада.

**Сиз улардан бири сифатида Мюнхендаги "Humanitäre schule" мактабида бошқарувчи бўлиб ишлаяпсиз. "Ich bin stark, ich sag laut Nein!" номли китобингиз немис мактабларида қўлланма сифатида фойдаланилади.**

**Ўзингиз ҳақингизда қисқача айтиб берсангиз. Сизни қандай тақдир етаклади бу жойларга?**

– Мен Фарғона вилояти Қўштепа туманида туғилганман. Оддий қишлоқ қизиман. Олтинчи синфгача 24-мактабда, еттинчи синфдан туманимиздаги биринчи лицей-интернатда ўқиганман. У ерда бизга жуда кучли педагоглар дарс берарди. 2004 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг немис тили факультетига қабул қилиндим. Германияга йўл шу олийгоҳдан бошланган.

**– Яхши-ёмон фан бўлмайди, яхши ёки ёмон ўқитувчи бўлади, дейишади. Сизнинг ёдингиздан чиқмайдиган, ҳаётингизни ўзгартирган ўқитувчиларингиз борми?**

– Ҳаётим ва фаолиятимдаги кўп нарсаларни лицейдаги устозларимдан ўрганганман, чунки ақлимни таниб, таълимнинг қадрига етганимда, шу инсонларнинг қўлида бўлганман. Уларга раҳмат айтаман! Ўқувчи-талаба хом лойдай гап: уни пишитиб, шакл бериб, тобига етказган устозлар бўлади. Биз улардан узоқлашиб кетсак ҳам, қийинчиликларни енгиб ўтишда, муваффақиятларга эришишда сабоқларига суянамиз.

**– Энди Германия ва унинг таълим тизими ҳақида гаплашсак. Билишимча, бу давлатда ҳар бир федерал округнинг ўз қонун-қоидалари бор. Жумладан, таълим тизимида ҳам. Бу фарқ нималарда кўринади?**

– Дарҳақиқат, 16 та федерал ўлка бўлса, уларнинг таълим тизимида фарқ катта. Биринчи навбатда бошланғич синфлар чегарасида кўринади бу фарқ. Баварияда 1-4-синфлар бошланғич ҳисобланади. Бошқа федерал ўлкаларда 1-6-синфлар бошланғич мактаб ҳисобланади. 4-синфдан кейин болалар учта тоифага ажратилади. Аълочилар гимназияга кетади, ўртачалар "Realschule" (ўрта таълим тизимининг бир тури, одатда 5-10-синф)га, ўзлаштириши паст ўқувчилар "Mittelschule" (асосан Бавария ва Саксония ерларида таълим тизимининг амалий йўналишдаги тури)га жўнатилади. Бу тоифаланишдаги танловни, масалан, Берлинда болаларнинг ўзи ҳал қилса, Баварияда мактаб, ўқитувчилар, баҳолар ҳал қилади. Айтиш керакки, Бавария Германияда таълим системаси қаттиққўллик билан олиб бориладиган ҳудудлардан ҳисобланади. Ўзбекистондаги вилоят мақомига тенг ҳудуд бирлигида алоҳида таълим вазирлиги, ўзининг социал вазирлиги бор.

**– Бу фарқни дарсликларда ҳам кўриш мумкинми?**

– Юқоридаги учта таълим бўғинида катта фарқ бор. Яқинда шу бўйича тақдимот тайёрлаган эдик. Масалан, бошланғич мактабда битта китоб ўқитилса, гимназияда еттита китоб ўқилади, юқори синфда тўртта, амалий йўналишда иккита китоб ўқитилади. Дарсликлар барчаси баробар эмас, ўзлаштириш ўқувчилар қобилиятига қараб ўзгартириб борилади.

Дарсликлар болаларга текин тарқатилади, юз фоиз давлат таъминотида. Ҳар бир федерал ўлка ўзи учун дарслик яратади. Кейин ҳар бир мактаб қайси дарслик билан ишлашини ўзи ҳал қилади.

**– Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида умумтаълим мактабларининг минг АҚШ доллари ва ундан юқори миқдорда иш ҳақи олувчи ўқитувчилари сони 6 минг нафардан ошди. Бу борада Германияда ҳолат қандай?**

– Бу ерда таълим тизимига эътибор намунаси шуки, ўқитувчиларга ҳам "Beamte" мақоми берилган. Бу "халқ хизматчиси", "давлат хизматчиси" деган маънони билдиради. Ўқитувчилар маълум вақт ишлагандан кейин вазирлик масъуллари, милиция ходимлари, ҳарбийлар, судьялар қаторида ушбу рутбага эришиши мумкин. Бунда маошдан солиқ имтиёзи берилади, тиббий суғурта кафолатланади, пенсия таъминоти юқори миқдорда белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар мотивация билан ишлашади.



Энди бир жиҳат бор, Германияда "бойимоқчи бўлсанг, социал соҳада ишлама", деган ёзилмаган қоида бор. Бу соҳада ишлаганлар бойиб кетмайди. Ҳақиқатда касбини севадиган, болаларни яхши кўрадиган одамлар ишлайди бу соҳада.

**– Фидойи одамлар! Шундайми?**

– Айнан! Фидокорлик талаб этилади.

**– Хусусий ва давлат мактабларининг умумий ва айри хусусиятларига тўхталиб ўтсангиз.**

– Германияда хусусий мактаблар жуда кам. Асосан инглиз тилига ихтисослашган мактаблар хусусийлашган. Мактаблар, бошланғич мактаблар давлат тасарруфида. Мактаблар таълим вазирлиги ва социал вазирлик билан биргаликда ташкил қилинган.

Мюнхен шаҳрида уйлар ва биноларнинг ижараси юқори нархда бўлгани учун дарслар икки сменада олиб борилади. Тушликкача ўқитувчилар дарс берса, тушдан кейин иккинчи даражали ўқитувчилар дарс беради. Уларни ўзимиздаги тарбиячиларга тенглаштириш мумкин. Тарбиячиларнинг тушликдан кейинги ташкилий ишларига мен масъулман.

**– Марямхон, Германияда асосан қайси фанларга урғу берилади?**

– Бошланғич мактабларда асосан учта фанга урғу берилади. Булар математика, немис тили ва "Heimat-und Sachunterricht". Бу фан Ўзбекистон шароитида "Ватан туйғуси", "Табиат", "Бошланғич физика", "Саломатлик" фанларининг йиғиндисига тенг. Асосий мақсад янги авлодни кичик ёшдан ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат ва немисча тартибга риоя руҳида тарбиялаш.

**– Бу ерда ўқитувчиларнинг қандай юкламалари бор? Масалан, мактабингизда кўряпманки, педагоглар ҳар хил кийимда…**

– Бу ерда ўқитувчилар жуда эркин ишлайди. Синфхонага қанақа жиҳоз қўймоқчи, қайси дарслик билан ишламоқчи, бугун болалар билан қайси мавзуларни ўтмоқчи – ўзлари ҳал қилади. Дарслар кетма-кетлигини ҳам мустақил ҳал қилади. Масалан, биринчи соат математика, иккинчи соат она тили дейилган бўлса, хоҳишларига кўра алмаштириши мумкин. Ёки бугун синфда математикага эҳтиёж юқори бўлса, ўзаро келишиб, икки соат математика ўтишлари мумкин она тилининг ҳам ўрнига. Кўп нарсаларни ўзлари ҳал қилади.

Эътиборли жиҳати, ўқитувчилар фақат дарс учун жавоб беради. Болалар ташқарида уришиб қолса, қанақадир муаммолари бўлса, мактабда бу билан шуғулланадиган социал-арбайтери бор. У болаларнинг ижтимоий муаммоларига жавобгар шахс. Уям ҳар куни олти соат мактабда бўлади, болалар билан шуғулланади. Ўқувчилар ўртасида низо бўлса, ўқитувчи вақтини унинг ечимига сарфламайди, болалар ўша ходимнинг ёнига кетишади. Ўқитувчининг вазифаси фақат ўқитиш, дарс тугайди, кетади.



**Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди.**

**ГЁТЕ**

**– Баъзан ўзимизда ўқувчиларнинг ўқитувчиларни беҳурмат қилгани, беписанд муносабатда бўлганини кўриб, эшитиб қоламиз. Мактаблар давлатнинг тасарруфида бўлгани, таълим бепул берилаётгани учун қадри йўқ ўқитувчининг, деган қарашлар ҳам бор. Лекин Германияда ҳам шунақа экан-ку, таълим.**

– Германияда зўравонлик, ҳурматсизлик деярли ҳеч қайси соҳада кузатилмайди. Ўқитувчи билан ота-она гаплашаётганда "Professionelle Ebene" доирасидан чиқмайди. Яъни суҳбатда шахсий масалалар аралаштирилмайди, фақат бола ва унинг таълими ҳақида гап кетади. Ота-оналар ҳам ҳурматсизлик қилишмайди. Ўқитувчилар ҳам шунга муносиб бўлишга ҳаракат қилади. Қолаверса, давлат ўқитувчиларни хафа қилдириб қўймайди.

**– Бизда ҳам ўқитувчилар обрўсини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус қонунлар қабул қилинмоқда. Президентимиз ўқитувчи мақомини қатъий белгилаб қўйди. Ўқитувчилар таълимдан бошқа ишларга жалб қилинмайди. Бу борада ҳам Ўзбекистон ўз тажрибасига эга бўлиб бормоқда.**

**Мюнхенни кезар эканман, тарихий объектлар: саройлар, черковлар, театрлар, ҳайкаллар ва бошқаларнинг мукаммал сақлаб қолингани, аслидай тиклангани мени ҳайратга солди. Тарихан олганда, қисқа вақтда немис халқи ўзининг қаддини тиклаб, дунёнинг сиёсий, илмий ва техникавий лидерларидан бирига айланган давлатни оёққа қўйди. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?**

– Бунинг сабаби немисча менталитетда. Немислар ҳар бир ишни жуда жиддий қабул қилади, мукаммал даражада бажаришга ҳаракат қилади. Уларда топшириқни қўл учида бажариш, ўзини аяб, бепарво бўлиш одати йўқ.

"Deutsche Pünktlichkeit" иборасини бизда кўпроқ "немецкий расчёт" тарзида оғзаки мулоқотда ишлатишади. Буни "олмонча аниқлик", "немисча интизом" деса бўлади. Немислар айтилган жойга вақтида боради, вазифаларни ҳам белгиланган муддатда бажаради. Учрашув ё ишга эрта келиш, кеч қолиш деган гап йўқ. Ҳатто, ўзаро кўришганда ҳам бир-бирининг вақтини олмайди.

**– Бунинг ўзбекча номи "лафз" дейилади. Немислар кўпроқ кимларнинг асарларини ўқийди? Мумтоз адибларини биладими?**

– Бошланғич синфлардаёқ Гёте шеърларини ёдлашади. Шиллерни ҳам кўп ўқишади. Китобхонлар замонавий адиблардан кўра классикани маъқул кўради.

**– 500 йил ё 300 йил олдин қалам тебратган ижодкорларнинг тили бугун ҳам тушунарлими ёшларга?**

– Катта қисми тушунарли. Масалан, мумтоз ғазалларни ҳозирги ёшларимиз тушунишлари қийин. Лекин олмонлар классикани луғатсиз ўқиб, мағзини чақиб кетаверади.

**– Чет элда ўз ўрнини топиш осон эмас. Одамлар асосан Сизнинг ютуғингизни кўради ва ҳаёт чет элда осон экан-ку, деб ўйлаб қолади. Мана шундай муҳитга келиб, обрў орттириш учун нима керак?**

– Бардош, бардош ва мослашувчанлик керак. Бахтимизга халқимиз бардошли. Мослашишга ҳам қийналмаймиз, тиришқоқмиз.

**– Энди Германияда яшаётган бир инсон сифатида, немисларнинг тўй ва маъракалари ҳақида нима дея оласиз?**

– Шаҳар марказида турамиз. Тўйлари ихчам шаклда ўтказилади. Лекин азалари ҳашамдорроқ. Биринчи черковга боришади, жуда кўпчилик келади, гуллар, безаклар келтирилади, кейин тобут билан дафн маросими…

**– Масалан, бизга ўхшаб дастурхон ёзиб, "еттиси", "қирқи", "юзи" каби йиғинлари борми?**

– Йўқ, унақа нарсалар бўлмайди. Ҳашамат дафн кунининг ўзидаёқ якун топади. Кейин ҳамма ўз иши билан андармон бўлади.

**– Сиз айтган ҳашамда исроф йўқ…**

– Шундай. На тўйда, на азада исрофгарчилик кўрасиз. Немислар тўйдан кўра азага эътиборли. Махсус мусиқалар, майда-майда, лекин аҳамиятли урф-одатлар адо этилади. Узоқ яшаган инсонга фарзандлари ўз ҳурматини шундай кўрсатишади.

**– Таққослаш имкони бор одам сифатида, энди умумлаштириб, Ўзбекистон ва Германиядаги яшаш тарзи ҳақида нима дея оласиз?**

– Ўзбекистонда вақт баракалироқ. Инсонлар билан алоқа, жонли мулоқот кўп. Юзма-юз кўришиш, самимий ҳол-аҳвол сўраш, суҳбат кўп. Ватанга борсам, Германияга қайтиб келгим келмайди. Чунки бу ерда ҳаётимиз кўпинча бир хилликдан иборат. Эрталаб турамиз, боламизни мактабга жўнатамиз, ишга кетамиз, ишлаймиз, уйга борамиз. Бу ердаги ишга бўлган талабнинг юқорилиги ва одамларнинг мунтазам шошиб юриши энергиянгизни сўриб қўяди. Ишдан кейин бошқалар билан кўришишга ҳол, хоҳиш қолмайди.

Германия ривожланган давлат, лекин ҳамма ривожланган давлатлар ҳар томонлама ривожланади, яъни ижобий ўсиш билан бирга салбий натижалар ҳам бор. Бу ерда руҳий касалликка чалинганлар, депрессияга тушганлар кўп, шифохоналар тўла. Ўзбекистонда, Аллоҳга шукур, депрессив одам кам. Нимага? Муаммосини оиласи, қариндошлари, қўшнилари, дўстлари, ҳамкасблари билан бўлишади. Маҳаллага чиқади. Агар амалий ёрдам ололмаса ҳам, юрагини бўшатиб, енгил тортади. Ҳамдардликни ҳис қилади.

**– Ўзбекчилик.**

– Ҳа, ўзимизнинг ўзбекчилик. Одамгарчилик, меҳр-муҳаббат, оқибат. Шу нарсалар барибир инсоннинг ментал соғлигини ҳал қиладиган нарсалар. Оиланинг мустаҳкамлиги. Бу ерда эса бировнинг дарди у ёқда турсин, одамларга кўйлагининг кири ҳам оғирлик қилади.

**– Германиянинг жадидлик тарихи билан боғлиқ жиҳатлари бор. Ўтган асрнинг 20-йиллари жадидлар тузган "Кўмак" жамғармаси ёрдамида сара йигит-қизлар Германияга ўқиш учун юборилган. Германия ўша пайтда ҳам илм-фан соҳасида Европада пешқадамлардан ҳисобланган. Мана шу тарих хусусида тасаввурларингиз борми?**

– Бор. Улар етмиш нафар бўлган. Қизиғи, икки нафари қиз. Бир аср олдин олис юртдан келиб, Германияга кўникиш, олмон характерига мослашиш, юқори педагогикага жавоб бериш осон бўлмагани аниқ.

**– Ана шу жасоратли ва матонатли икки қизнинг бири – Марям Султонмуродова бўлган. Қаранг, қарийб отдош экансиз.**

**Марям Султонмуродова 1922-1923 йилларда Берлиндаги немис хонадонида яшаб, Берлин университети қошидаги 6 ойлик немис тили курсини тугатади. 1924 йили Дармштадтга бориб, ўқитувчилар семинарийсида ўқийди. 1927 йили Берлинга келиб, бир йил давомида амалий машғулотда бўлади. 1928 йилда ўқишни тугатиб, СССРга қайтиб келади ва педагогика, журналистика соҳасида фаолият юритади. Аммо 1937 ва 1949 йилларда жосусликда айбланиб қамалади, сургун қилинади. Фақат 1957 йилда оқланади, аммо бу пайтда у ногиронга айланиб бўлган, ёшлиги ва қувваи ҳофизасидан айрилган эди.**

**Тасодифни қарангки, орадан юз йил ўтиб Туркистондан Олмония томон яна бир Марям илм соҳасида йўл олди. Фақат энди ўрганиш учун эмас, ўргатиш учун. Бир аср олдин немислардан ўзбек қизи дарс олган бўлса, бугун немис болаларига ўзбек қизи дарс беряпти, китоб ёзяпти.**



*Марям Султонмуродова, Германияда ўқиган талаба*

**Лекин қаҳрамон адашингиздан фарқли равишда, Сизни Ватанда жазо эмас, шон-шараф кутиб турибди. Шу ўринда охирги савол: Ўзбекистонга бориб дарс бериш таклиф этилса, борасизми?**

– Германияга тақдир тақозоси билан оилавий келганмиз. Тақдир насиб қилиб Ўзбекистонга қайтсак, албатта, ўз соҳамда ишлайман. Чунки бу соҳага инсонларни, болаларни севганим учун кирганман. Ўзбекистонга ҳам янги ғояларим билан бораман, албатта.

**– Президентимизнинг бир иборалари бор: "Билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган энг катта бойлик". Мана шундай катта бир бойлик эгаси бўляпсиз. Барча йўллар Ватанга элтади! Худо хоҳласа, кейинги суҳбатимиз Марғилонда бўлади, деб умид қиламан.**

**Саломат бўлинг! Ишларингизга ривож, оилангизга тинчлик тилайман! Катта раҳмат Сизга! "Jadid" газетамизни электрон шаклда кузатиб бориш имкониятингиз бор. Бизнинг газетамизнинг шиори Сизнинг шиорингиз билан бир хил: "Тилда, фикрда, ишда бирлик!"**

**Иқбол МИРЗО суҳбатлашди.**
*Германия, Мюнхен шаҳри*



**Ирода инсон боласининг ўзига хос сифатидир, ақл эса иродани бошқариш учун ўзгармас қоидадир.**

**Фридрих ШИЛЛЕР**

УЙҒОҚ ХОТИРА

# ИЛМГА АЙЛАНГАН УМР

**Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ҳаёт йўлига ҳавас қилиб, ўғитларига йўлчи юлдузга талпингандек интиласан. Филология фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Тўра Мирзаев ана шундай ўз исмига муносиб, айтар сўзи билан иши бир бўлган, шахсияти ва илми билан ибрат мактабини яратган олим эди. Устоз ҳаёт бўлганида бу йил тўқсон ёшга тўлган бўларди.**

Тўра Мирзаев 1936 йилнинг 6 мартида Шофиркон туманига қарашли Саврак қишлоғида туғилган. Устозда фольклорга қизиқиш онаси Маъмура аядан эшитган аллалари, халқ қўшиқлари, отаси Мирзо Рўзиевдан эшитган турли ривоят афсоналар туфайли бўлса керак. Чунки устоз суҳбатларда, албатта, онаси ёки отаси номини тилга олар, болаликда эшитган фольклор намуналарининг қандай ижро этилиши ҳақида фикр билдирар эди. Унинг болалиги уруш йилларига тўғри келган, ёш бўлишига қарамай, катталар ёнида туриб меҳнат қилган, ҳаётни, одамларни яхши ўрганган. Дастлаб ўрта мактабда, сўнгра эса Бухоро давлат педагогика институтининг тарих ва филология йўналишида таҳсил олган. Институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманига бориб, мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. Бу унинг тақдирини ўзгартириб юборган, десак, муболаға бўлмайди. Ўтган асрнинг 60-йиллари Сурхондарёда тўйлар, тадбирлар бахшилар томонидан куйланадиган достонларсиз ўтмаган. Бу ҳудуда фольклорга оид барча намуналарнинг гўзал ва бетакрор ижроси билан танишиш имконияти юзага келган. Шунинг учун бўлғуси олим ёшлик ғайрати, педагоглик маҳоратини ишга солиб, дарҳол "Ёш фольклоршунослар" тўгарагини ташкил этиб, ўқувчилар билан биргаликда ҳудуддаги фольклор намуналарини ёзиб олиш ишларини бошлаб юборган.

1960 йилда Тўра Мирзаев жарқўрғонлик Мамадрайим бахшидан "Нурали" достонини ёзиб олади. Катта бир материал йиғилади. Энди бу материалларни ўрганиш, уни илмий таснифлаш зарурати туғилади. Шу мақсадда Тўра Мирзаев Тошкент сари йўл олади. Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси, таниқли олим Ҳоди Зариф олдига шогирдлари билан тўплаган бой хазинани олиб келади. Икки улуғ инсоннинг танишиши, бир-бирига меҳр қўйиши шу тахлит бошланади. Ҳоди Зариф унинг иштиёқи, амалий тажрибасини кўриб, шогирд қилиб олади.

Тўра Мирзаев Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими аспирантурасида таҳсил олар экан, "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари бўйича илмий тадқиқотни бошлаб юборади. Бу ўша даврда ўзига хос жасорат эди. Эпос устида айланган қора булутлар ҳали тўла аримаган, бу шоҳ асарга нисбатан совет мафкураси талабидан келиб чиқиб ёндашиш ва уни бадном қилишга уринишлар батамом сўнмаган пайтлар эди. Илмий Кенгаш аъзолари мавзу юзасидан иккиланганида, Ҳоди Зариф шогирдим айнан мана шу мавзуда ишлайди, деб қатъий туриб олади. Мутахассисларимиз орасида бир гап бор: чинакам фольклоршунос бўлишни истасанг, албатта, "Алпомиш"ни тадқиқ этишинг лозим, акс ҳолда, фольклорнинг моҳиятини англашинг мушкул бўлади.

Фольклор бир қарашда оддий ва содда туюлгани билан унинг чинакам тадқиқотчисига айланиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Амалиётни, жонли ижро моҳиятини билмасдан, бу ҳодисаларнинг ичида яшамасдан, халқ оғзаки ижодининг ўзигагина хос хусусиятларни фарқлаб етмасдан туриб, олим бўлиш мумкин эмас. Тўра Мирзаевнинг Сурхондарёда фольклор муҳитида яшагани ва кейинчалик фольклор экспедицияларида тўплаган тажрибаси бу илмда Ҳоди Зарифдан сўнг катта мактаб яратишига замин бўлди.

Олим 1966–1971 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим сифатида фаолият юритди. 1973 йилда Фольклор бўлими мудири лавозимига тайинланди. 1986 йилда "Ўзбек халқ бахшиларининг санъати ва улар репертуарининг асосий хусусиятлари" мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффаққиятли ҳимоя қилди. Дастлаб устоз Ҳоди Зариф, сўнгра ўзи раҳбарлигида ташкил этилган илмий экспедицияларда фольклор архивини янгидан янги, фольклоршунослик учун муҳим назарий хулосалар берадиган материаллар билан бойитишга ҳисса қўшди. Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистоннинг турли ҳудудлари бўйлаб ташкил этилган фольклор экспедицияларида ёзиб олинган халқ ижодининг нодир намуналари нафақат ўзбек фольклоршунослигининг олтин фонди, балки туркий халқлар ва дунё хазинаси учун қимматли манбалар ҳисобланади.

Тўра Мирзаевнинг "Алпомиш" достонига оид тадқиқоти уч бўлимдан иборат. Дастлабки бўлим достоннинг ёзиб олиниши, нашр этилиши ҳамда ўрганилиши тарихи, иккинчи бўлим асарнинг версия ва вариантлари, учинчи бўлим достондаги мотивлар талқини ва бадииятига бағишланган.

"Алпомиш" достонидан парчалар дастлаб "Билим ўчоғи" журналида Ғози Олим Юнус томонидан эълон қилинган. Бироқ журналда мазкур парчалар қайси бахшидан ёзиб олинганига изоҳ берилмаган. Тўра Мирзаев бу парчаларни синчиклаб ўрганади ва уни бахшилардан ёзиб олинган матн билан солиштириб, асарнинг бошланишидан Бойсарининг Кашалга кўчишигача бўлган қисм Фозил Йўлдош ўғлидан, Алпомишнинг Барчинни излаб йўлга чиқиши билан боғлиқ воқеалар Ҳамроқул бахшидан олинган, деган хулосага келади.

Тўра Мирзаев "Алпомиш"га алоқадор нимаики бўлса, эътибордан четда қолдирмас, манба ёхуд китоб қўлида чоп этилган вариантлари билан чекланмай, жонли ижроларига ҳам алоҳида аҳамият берар эди. Илк бора ушбу достонни монографик миқёсда ўрганиб, қирқдан ошиқ вариантларини таҳлилга тортиб, ўзбек фольклоршунослигини дунёга танитди. Достоннинг яратилиши билан боғлиқ турли баҳсли саволларга жавоб топиб берди. Достон вариантларидаги мотив, сюжет ва образлар талқини қадим даврларга бориб тақалишини, Фозил Йўлдош ўғли вариантини асос қилиб олган ҳолда, унинг барча вариант ва версиялар орасида мукаммаллигини исботлади.

Энг муҳими, Тўра Мирзаевга қадар ҳеч бир фольклоршунос биргина достоннинг кўплаб вариант ва версияларини таҳлилга тортиб, уларни яхлит ҳодиса ўлароқ тадқиқ этмаганди. Зеро, дунёга таниқли Виктор Жирмунскийдек олимнинг эндигина номзодлик ишини ёқлаган ёш тадқиқотчига мактуб ёзиб, миннатдорлик билдириши бежиз эмасди. Бу, илм оламига ўзининг дадил қадами, жиддий тадқиқоти билан кириб келган олимнинг иқболи баландлигини кўрсатарди.

"Алпомиш" достонини тадқиқ этиш шу билан чегараланиб қолмади. Устоз умрининг сўнгига қадар ҳар бир мақоласи, тадқиқотида достонга қайта ва қайта мурожаат қилди. Кейинчалик нашри йўлга қўйилган "Ўзбек фольклор ёдгорликлари" кўп жилдлигининг дастлабки "Алпомиш" достони вариантларига бағишланган жилдларига ёзилган сўзбоши ва изоҳларда янгича фикр ва қарашларини баён этди. Тўра Мирзаев саъй-ҳаракатлари билан достон Германия, Туркия, Хитой, Қозоғистонда нашр этилди.

Олим "Халқ бахшиларининг эпик репертуари" монографиясида достончилик санъатининг қадимий илдизлари, унинг жанрий хусусиятлари, бахши мактабининг ҳудудий ўзига хослиги, репертуари, ҳар бир мактабдаги ижрочиларнинг маҳорати ва бадиҳагўйлиги, достон ижросида бахшининг доимий равишда такрорланиб келувчи анъанавий мисраларга амал қилиши билан боғлиқ саволларни муҳокама қилган ва Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида бахши репертуари масалаларига ойдинлик киритган.



Маълумки, эпик формула – эпоснинг ядросидир. Биз эпик формуланинг нималигини тушунмай туриб, достонлар моҳиятини англаб етолмаймиз. Оғзаки ижоднинг қонунияти битта, бу эпик формулага асосланганликдир. Бу ижоднинг оғзакилигини, анъанавийлигини таъминлайди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида америкалик олимлар М.Пэрри ва А.Лорд Европада сўниб бораётган бахшичилик санъати намуналарини тинглаб, фанда катта инқилоб қилишди. Яъни улар эпик формула назарияси асосида Гомернинг индивидуал ижодкор, шоир эмас, балки бахши экани, "Одиссея" ва "Илиада" халқ ижоди намуналари эканини исботлашди. Гарчанд эпик формула ҳақида Ҳоди Зариф тадқиқотларида маълумотлар учраса-да, Тўра Мирзаев ўз китобида уни халқ оғзаки ижодининг қонуниятларини ўзида мужассам этган яхлит адабий ҳодиса сифатида тадқиқ этди.

"Гўрўғли" достони ўзбек фольклоршунослигида кўп ва хўп ўрганилган. Бироқ, Тўра Мирзаевнинг бу борада олиб борган тадқиқотлари нафақат юртимизда, балки туркийлик олимларнинг ҳам эътирофини қозонди. Олим "Гўрўғли" туркум достонларининг жонли ижроси ва ёзма, тошбосма нусхаларини қиёслади. Мазкур достонларнинг кенг географик маконга тарқалиш сабабларига ойдинлик киритди. Бахши ҳамда қиссахон бахши ижросидаги достон матнидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни илмий асослади. Достоннинг тошбосма нусхаларини, қиссахон бахши Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олган намуналарни нашр этиб, келгуси илмий тадқиқотларнинг йўналишларини белгилаб берди.

Унинг рус тилида эълон қилинган кўплаб тадқиқотлари, "Песня Булбуля", "Узбекская народная поэзия" каби китоблари олим номини хорижий ўлкаларга танитган бўлса, "Эпос и сказитель" номли фундаментал асари устоз номини янада юксакларга кўтарди.

Ҳоди Зариф ҳақида устоз кўп ёзган. Устозга содиқликда, илмда ворисийликда Тўра ака катта бир ибрат мактаби яратиб кетди. "Ҳоди Зариф суҳбатлари" – бу, шунчаки устози ҳақида хотиралар эмас. Балки ўзбек фольклорининг юзага келиш ва тараққиёт босқичлари, фольклоршунослиги тарихи ҳақидаги чуқур назарий қарашлар ифодасидир.

Устоз узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори, Фанлар академиясининг вице-президенти, сўнгра Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бош маслаҳатчиси сифатида фаолият юритди. Фольклоршунослик бўйича илмий семинар ва кенгашларга раҳбарлик қилди. Мамлакатимизда бахшичилик санъатига, фольклорга, маданият ва санъатга бўлаётган эътибордан руҳланиб ижод қилди. "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" кўп жилдлиги нашр этилишига бош-қош бўлди. "Алпомиш", "Гўрўғли" ва бошқа кўплаб сара достон вариантларини сўзбоши, изоҳ ва луғатлар билан чоп эттирди. Ўнлаб тадқиқотлар, юзлаб мақолаларини илмий жамоатчиликка ҳавола қилди.

Ўндан ошиқ фан доктори, ўттиздан ортиқ фан номзоди ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияларига, давлат дастурлари асосида амалга оширилган йирик илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилди. Умри давомида мингга яқин илмий мақола, юзга яқин китоблар чоп этди.

Домла кўп такрорларди: "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин". Тўра ака ана шу қийин йўлни танлаган, илми билан элни танитган, инсонийлиги билан қалбларни забт этган эди. У ўз умри мисолида бизга шундай сабоқ қолдирди: илм юксакликка етаклайди, аммо инсонни улуғ қиладиган нарса – меҳнат, ҳалоллик, самимият ва одамийликдир.

Тўра Мирзаев Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти совриндоридир. "Дўстлик" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган. Атоқли шоир Абдулла Орипов бир даврада Тўра ака ҳақида гапира туриб, уни халқ заковатида тобланган, эл нафаси билан яшаган, содалигида ҳикмат, камтарлигида улуғворлик яширинган донишманд сиймо сифатида васф этганди. Чиндан ҳам, Тўра Мирзаев сўзи ва амали бир, ҳар ишда ўзининг юксак ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини намоён этиб, илм туғини баланд кўтарган устоз эди.

**Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

ЯНГИ НАШР

# ТАРИХГА ЯНГИЧА НАЗАР

**Ўзбек адабиёти тарихида ҳукмдор-шоирлар сезиларли из қолдирган. Яқин ўтмишда уларнинг ижоди мафкура талабларига кўра ўрганилмади ёхуд бир ёқлама тадқиқ қилинди. Бугун эса вазият тубдан ўзгарди, бу меросни тўлақонли ўрганиш учун барча имкониятлар эшиги очиқ. Манбашунос Отабек Жўрабоевнинг "Саид Муҳаммад Алихон. Девон" китоби ана шу бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган. Китобда "Хон" тахаллуси билан ижод қилган Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1808–1842) девони ҳақида гап боради.**



Муаллиф адабий мерос таҳлилидан олдин хонликдаги тарихий-ижтимоий вазият, адабий ҳаёт ҳамда ҳукмдорнинг сиёсий фаолиятини бирламчи манбалар асосида ёритади. Шунингдек, бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий ишларини эътироф этади, уларга ҳурмат билан ёндашади ва айни пайтда танқидий муносабатда бўлади. Масалан, айрим замонавий тарихчилар ҳукмдорни "ишратбозлик ва ахлоқсизлик"да айблаган бўлса, олим уларга қарши тарихий далиллар келтиради. Унингча, Муҳаммад Алихон ҳукмдорлик даврида (1822–1842) хонлик ҳудуди кенгайган, халқ нисбатан осойишта ҳаёт кечирган, маданият тараққий топган. Қўқон хонлигининг 1842 йилдан 1876 йилгача бўлган даврида ҳар беш-ўн йилда хон алмашиб турганини, сиёсий вазият беқарор бўлганини ҳисобга олсак, олимнинг мулоҳазаларига қўшилиш мумкин.

Бундан ташқари, адабиётимиз тарихида ўзининг кескин ҳажвий шеърлари билан шуҳрат қозонган Махмур хонга илиқ муносабатда бўлган. Олим Бухорода яшаб, ижод қилган Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг "Туҳфат ул-аҳбоб фий тазкират-ул-асҳоб" китобида (1817–1894) ҳам Муҳаммад Алихон фаолияти ва ижодига холис баҳо берилганини қайд этади. У ўтмишнинг зиддиятли томонларидан кўз юммайди, хаспўшламайди, ҳукмдорга нисбатан кескин муносабатда бўлган "Мунтахаб ут-таворих"нинг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон тўра фикрларининг сабабларини ҳақида ҳам атрофлича тўхталади: *"Ажабланарлиси, асарнинг форсий тилидаги нусхаларидагина шундай бирёқлама фикрларни кўрамиз. Унинг туркий-ўзбекча нусхаларида бу тахлит салбий ёндашув йўқ. Уларда муносабат ва талқинлар анчайин юмшатилган ва ижобийроқ".*

Ўтмишга нисбатан холис муносабат билдириш, зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла томонларини бўямасдан, имкон қадар тўлиқ ва объектив кўрсатиш китобнинг илмий қимматини оширади. Муҳими, бугунги авлод мозий ҳақидаги ҳақиқатни борича билиши шарт. Шундагина, ўтмиш ҳақида тасаввуримиз тўлиқ бўлади. Тарихдан сабоқ олиш, танқидий идрок этиш ҳамда бугунги кунларнинг қадрига етиш ва келажакни аниқ белгилаш имкони бўлади. Ўтмиш ҳақида сўз юритганда ўткинчи, сиёсий конъюнктура таъсиридан келиб чиқиб қалам тебратиш ўзини оқламаган ва оқламайди ҳам.

Муҳаммад Алихоннинг сиёсий фаолияти ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари тарихий, адабий манбалар ҳамда замонавий хорижий тадқиқотларга таянган ҳолда чизилади: *"Муҳаммад Алихон шимол – чор Русияси томондан келаётган хавфни тўғри илғаган ва мамлакат қўшинини мумкин қадар замонавий андозада шакллантириш ҳаракатини бошлаган. У бу борада, айниқса, Усмонли Турк императорлиги билан бир неча дипломатик алоқаларни йўлга қўйди. Шунингдек, 1830-1840 йилларда чор қўшинларига кескин қаршилик кўрсатган қозоқ хони Кенесар Қосимовни қўллаган ҳолда, у билан илиқ муносабатларни сақлаб қолган".*

Кўриниб турибдики, хон имконият доирасида мамлакат ободлиги ва юрт тинчлигини, маданият ривожини кўзлаган. Унинг даврида хонлик ҳудудида 20 дан ортиқ мадраса барпо қилинган. Хоннинг махсус фармони билан "Хазойин ул-маоний" 300 дан ортиқ нусхада кўчирилиб, кенг ҳудуд бўйлаб тарқатилган ва улардан айримлари бизгача етиб келган. "Хамса"нинг 40 дан ортиқ миниатюра билан безатилган нусхаси яратилган. Улуғ шоир асарлари асрлар оша кўплаб нусхаларда кўчирилиб, халқимизнинг маънавий-адабий эҳтиёжини доимий қондириб келган. Муҳаммад Алихоннинг махсус фармони билан бу ишнинг амалга оширилиши, шоир ижодининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Муаллиф хонликнинг ижтимоий-сиёсий, маданий манзарасини ёритиб, ундан кейин адабий мерос таҳлилига ўтади. Бундай ёндашув китобхонга давр манзарасини яхлит тасаввур этиш имконини беради. Китобнинг "Хон адабий меросининг манбалари" фаслида бизгача етиб келган, шоир шеърлари сақланиб қолган етти адабий манбанинг тўлиқ илмий тавсифи берилган. Тадқиқотчи ҳар бир қўлёзмани диққат билан ўрганиб, кўчирилиш санасини ҳамда сақланиб қолган шеърларнинг ададини аниқ кўрсатиб, хоннинг икки мактубини аниқлашга ҳам муваффақ бўлган: *"Демак, шу кунга қадар аниқланган Хон адабий мероси: 85 ғазал, 4 мусаддас, 3 рубоий, 1 фард ва алоҳида 4 байт. Жами 2307 мисра шеър".* Адабий меросининг жанрий жиҳатдан хилма-хиллиги шоир иқтидоридан дарак беради.

Хон ўз ғазалларида Фузулий адабий меросидан таъсирланиб, ҳатто лисоний тарафдан салафига эргашган. Тадқиқотчи китобнинг "Фузулийга эргашишми, тенглашиш..." фаслида ҳар икки шоир шеърларини изчил чоғиштириб, жавобия ғазалларда Хон бетакрор ғазаллар битганини кўрсатган: *"Яъни қайсидир ўринларда унга тенглашган, ҳиссиётларини юқори пафос ва юксак бадиият ила шеърий тизимга – фузулиёна оҳангга кўя олган. Айтиш мумкинки, ижодий мусобақада ўзини кўрсатишга муваффақ бўлолган".*




Қўқон адабий муҳитига мансуб Ғозий, Амирий, Увайсий, Узлат, Қорий, Муқимий, Фурқат, Муҳсиний каби шоирлар ҳам Фузулий ғазалларига мухаммас боғлаганлар. Ва бу ҳолат айни адабий муҳитда Фузулий ижодига нисбатан эътиёж юқори бўлганидан далолат. Бундан ташқари, Хон шеърларига замондош ҳамда кейинги даврда яшаган Огаҳий, Табибий сингари шоирлар мухаммас битганлар. Кўриниб турибдики, Муҳаммад Алихон адабий муҳитнинг етакчи ижодкорларидан бири бўлган.

Китобда Хоннинг манбалардан аниқланган адабий мероси бир ерга жамланиб, қиёсий тадқиқ қилиниб, илк маротаба тўлиқ чоп этилган. Ўқувчига енгиллик яратиш мақсадида ҳар бир шеърга луғат илова қилинган. Қўлёзма матнидаги айрим тушиб қолган сўзлар махсус белги билан кўрсатилган. Шунингдек, китобда фойдаланилган манбалар ва Хон қурдирган иморатлар суратлари ҳамда фармон, муҳрнинг илова қилиниши давр ҳақида яхлит тасаввур беришга кўмаклашади.

**Абдурасул ЭШОНБОБОЕВ**

# “ЭЛ ДЕСА НАВОИЙНИ...”

Бошланиши 1-саҳифада.

“Кўклам бутун дунёда март ойидан бошланса, Ўзбекистонга баҳор февраль ойида – ҳазрат Навоий таваллуди билан кириб келади”, деган ташбеҳ форум муҳитига ўзгача маънавий кайфият бағишлади. Тадбир доирасида навоийшунос олимларни ўйлантириб келаётган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказилган 11-анъанавий “Алишер Навоий ва XXI аср” халқаро конференцияси доирасида “Лисон ут-тайр” достонининг итальян тилига таржимаси тақдим этилди. Тақдимотда таржимон, Сапиэнза университети профессори, исломшунос олим Марко де Бранко, Италиядаги “Сандро Тети” нашриёти директори Сандро Тети, Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гвидо де Санктис ва бошқалар қатнашиб, Алишер Навоий ижоди, жумладан, “Лисон ут-тайр” достонининг жаҳон маънавий ҳаётида тутган ўрни ва таржиманинг амалий аҳамияти ҳақида фикр юритди.



Дилнавоз ЮСУПОВА,
профессор



Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” симпозиумида юздан ортиқ иштирокчининг қарийб ярмини хорижлик олимлар ташкил этгани навоийшунослик глобал илмий соҳага айланаётганини кўрсатди. Австрия, Бельгия, Венгрия, Хитой ва Жанубий Кореядан келган ёш тадқиқотчилар маърузалари янги илмий йўналишларни намоён қилди. “Темурийлар давридан янги Ренессансга қадар”, “Навоий ғазалларининг Усмонли турк шеъриятига таъсири”, “Алишер Навоий шеърларини қардош бўлмаган тилларга таржима қилишда таржимон стратегияси” каби маърузалар жамоатчилик эътиборини тортди.

Симпозиум доирасида Алишер Навоий асарларининг 100 жилдлигига бағишланган муҳташам лойиҳа (матн, насрий баён/ табдил ва луғат)нинг дастлабки 31 жилди – “Хамса” достонлари тақдим этилди. Бу лойиҳа буюк шоир меросини тизимли ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш йўлида муҳим қадам сифатида баҳоланди.

Талаба ёшлар ўртасида ўтказилган “Навоий издошлари” номли ғазалхонлик танлови миллий маънавиятимизга, хусусан, улуғ мутафаккир ижодига чуқур эҳтиром ва эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди. Бу танлов оддий мусобақа эмас, балки ёшларнинг адабий салоҳияти, ақлий етуклиги ва бадиий тафаккурини синовдан ўтказган ўзига хос маънавий имтиҳон сифатида ёдда қолди. Танлов шартлари осон эмас эди. Иштирокчилар Алишер Навоий қаламига мансуб камида 80 та ғазални мукаммал ёд олиб, уларни аруз қоидаларига риоя қилган ҳолда ифодали ўқишлари, ғазалларда қўлланган барча сўз ва ибораларнинг луғавий маъноларини изоҳлашлари, шунингдек, ҳакамлар томонидан сўралган исталган байтнинг насрий баёнини эркин ва аниқ ифодалаб беришлари лозим эди. Танлов якунида ғолиблар муносиб тақдирланди. Бироқ танловнинг энг катта ютуғи моддий мукофот эмас, балки Навоий меросини чуқур ўзлаштирган, сўз қудратини ҳис этган билимли ва маънавий бой ёшлар авлодининг камол топаётганидир.

“Алишер Навоий – сўз мулкининг султони” номли видеороликлар танлови ҳам кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган беш юз нафардан ортиқ юртдошларимиз фаол қатнашди. Ушбу амалий лойиҳа Навоий меросини, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш йўлида муҳим қадам бўлди. Танлов доирасида энг ёш иштирокчи 3 ёш, энг кекса иштирокчи эса 92 ёш экани алоҳида эътиборга молик. Бу ҳолат бугунги глобаллашув шароитида Навоий ижоди фақат бир авлодга эмас, балки барча ёшдагилар учун бирдек аҳамиятли эканини кўрсатади.

Ана шундай танлов ва лойиҳалар орқали буюк аждодимиз нафақат тарихий шахс, балки замонавий ҳаётимизга ҳамоҳанг мутафаккир сифатида халқимизга янада яқинлашиб бормоқда. Энг муҳими, Навоий ижоди орқали ёшлар инсонпарварлик, адолат, сабр, муҳаббат ва ватанпарварлик каби юксак қадриятларни қалбан ҳис қилмоқда.

### ХОРИЖГА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ

Шу йил 11–18 февраль кунлари Алишер Навоий халқаро жамоат фонди ташаббуси ва ҳомийлигида Миср Араб Республикаси ва Саудия Арабистонига илмий экспедиция ташкил этилди. Бундан мақсад Алишер Навоий асарларини араб дунёсида тарғиб қилиш, янги қўлёзмаларни излаб топиш ва таржима ишларини ривожлантиришдан иборат эди.

Экспедиция аъзолари илк ташриф буюрган маскан Қоҳира шаҳридаги “Илм” номи билан фаолият юритувчи Ислом ва тасаввуфий тадқиқотлар илмий маркази бўлди. Марказ раҳбари Абдулъотий Муҳйи Аҳмад аш-Шарқовийнинг маълумот беришича, бу ерда деярли бутун дунёда сақланаётган қўлёзмаларнинг электронлаштирилган каталоги бор. Улар орасида Марказий Осиё мутафаккирлари ва Алишер Навоий қаламига мансуб ноёб қўлёзмаларнинг кўп ададни ташкил этиши икки томонлама қўшма лойиҳаларни амалга ошириш заруратини кун тартибига қўйди. Ўзаро келишув натижасида Алишер Навоий халқаро жамоат фонди хазинаси бир неча ана шундай қўлёзма асарларнинг факсимел нусхаси билан бойиди.

Делегация аъзолари Қоҳира давлат университетидаги давра суҳбатида қатнашди. Университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Маҳмуд Саид бошчилигида бўлиб ўтган дўстона мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Миср маданий алоқалари узоқ тарихга эгалиги, Буюк ипак йўли икки ўлканинг бой маданий тарихида маънавий кўприк вазифасини ўтагани, мумтоз шоирларимиз, хусусан, Алишер Навоий асарларида Миср фақат жуғрофий ном эмас, балки гўзаллик, ҳикмат ва донишмандлик рамзини ифодалаб келгани таъкидланди.

Университет қошидаги “Мерос” кутубхонаси раҳбарининг маълумот беришича, зиё масканида зиёд туркий тилдаги 15 мингдан қўлёзма бўлиб, уларни матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш зарур ва бу борада ўзбекистонлик олимларнинг ёрдамларига эҳтиёж бор.

Давра суҳбати сўнгида Қоҳира давлат университетида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти марказини очиш билан боғлиқ келишувларга эришилди.

15 февраль куни экспедиция аъзолари Саудия Арабистонининг Риёз шаҳрига йўл олди. Подшоҳ Файсал номидаги Исломни тадқиқ қилиш марказида ўзбекистонлик меҳмонларни доктор Яҳё ибн Жунайд ва Подшоҳ Файсал бин Абдулазиз ал Сауднинг набираси малика Моҳа бинт Муҳаммад ал-Файсал хоним қабул қилди. Доктор Яҳё ибн Жунайднинг таъкидлашича, араб ўлкалари ва Марказий Осиё давлатлари қадимдан ўзаро ижтимоий-маданий алоқада бўлиб, араб фалсафаси тарихини Мовароуннаҳр олимларининг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Учрашувда билдирилган Осиё ва Африка халқлари адабиёти анжуманини, аввалги анъанани қайта тиклаган ҳолда, яна Тошкентда ўтказиш билан боғлиқ таклиф йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Мезбонларга Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари араб ва урду тилларига таржима қилингани ва яқин кунларда нашр этилиши ҳақида маълумот берилди. Учрашув сўнгида Подшоҳ Файсал номидаги Исломни тадқиқ қилиш марказида “Мовароуннаҳрни ўрганиш” бўлими ва Ўзбекистондаги университетлардан бирида “Подшоҳ Файсал номидаги кафедра”ни ташкил этиш бўйича ўзаро келишувга эришилди.

Делегация аъзоларининг ташрифи Саудия Арабистони элчихонасида ўзбек ёшлари билан “Алишер Навоий ва адабиёт” мавзусидаги давра суҳбати билан якун топди. Рамазон ойи ва Навоий таваллуди уйғунлиги, ўзбекона дастурхон атрофидаги самимий суҳбат, шоир рубоийларининг шарҳи – буларнинг барчаси ёшлар қалбида Ватанга муҳаббатни янада кучайтирди.

Улуғ шоир таваллудининг 585 йиллиги ўтаётган 2026 йил ҳали кўплаб маънавий сафарларга бой бўлиши кутилмоқда. Илмий анжуманлар, таржималар, янги нашрлар ва халқаро ҳамкорликлар – буларнинг барчаси бир ҳақиқатни тасдиқлайди: Алишер Навоий мероси ўтмиш эмас, у доимо ҳаракатдаги маънавий кучдир. Шу маънода, жаҳон ичра ёйилган шуҳрат фақат шоирнинг эмас, балки уни англаб, ўрганиб, келажакка етказаётган миллатнинг ҳам шуҳратидир.



> **Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтгон эмас... олти маснавий китоб назм қилибтур, беш “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқ-ут тайр” вазнида “Лисон-ут тайр” отлиқ...**
>
> **Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

ДУРДОНА



# ИМПЕРАТОР ҚАСИДАСИ

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

**Биз етти аср муқаддам ёзилган “Юз сўз” шеърий асари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ушбу қасидани 1368–1398 йиллардаги Хитой императори Чжу Юаньчжан (1328–1398) ёзган. У ислом динига хайрихоҳ назар билан қараган ҳукмдор бўлган. Шоёни ҳайратки, шу борада олиб борган озгина изланиш давомида Чжу Юаньчжан билан деярли тенгдош бўлган Амир Темур орасида жуда кўп муштаракликлар борлигини аниқладик.**

Чунончи, Амир Темур ундан атиги саккиз ёш кичик бўлган, иккови ҳам деярли тенг – етмиш йилдан умр кўришган. Чжу Юаньчжан ҳам, Амир Темур ҳам шоҳлар оиласидан чиқмаган, балки оддийроқ оила фарзанди эди. Улар мардлик ва тадбиркорлик орқали нафақат мамлакат ҳукмдори бўлган, балки империя туза олишган. Чжу Юаньчжан асос солган Мин империяси 1368–1644 йилларда (276 йил) салтанат сурган бўлса, Темурийлар империяси (Бобурийлар билан қўшиб ҳисоблаганда) 1370–1857 йилларда (487 йил) ҳукмронлик қилган. Иккиси ҳам сиёсий-ҳарбий ҳаракатини мамлакатни мўғул босқинчиларидан озод этишдан бошлаган.

Чжу Юаньчжан мўғулларга қарши курашни “Қизил пешонабоғлилар” ҳаракатига қўшилган ҳолда бошлаган бўлса, Амир Темурнинг халқ орасида мўғул босқинчиларига қарши стихияли равишда келиб чиққан сарбадорлар ҳаракатига қўшилиши ҳам шу тарзда юз берган. Чжу Юаньчжан “Қизил пешонабоғлилар” ҳаракати раҳбарлари билан ихтилоф келиб чиққач, уларни маҳв этган. Амир Темурнинг сарбадорлар ҳаракати етакчилари билан муносабати ҳам шу йўсинда якун топган.

Чжу Юаньчжан марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун “почта бекати тизими”га катта эътибор берган. Почта бўлими нафақат фармонлар юбориш, балки кенг ҳудудларни назорат қилиш, амалдорларни турли ишлар билан ҳар томонга юбориш ва солиқларни етказиб бериш учун ҳам хизмат қилган, бу унинг мўғуллар ҳукмронлигидан кейин мамлакатни қайта қуриш сиёсатининг асосий жиҳати бўлган.

Амир Темурда ҳам шундай. Тарих манбаларида ёзилишича, *“ўша пайтда бошбошдоқлик ва адолатсизликлар кучли бўлиб, бу ерлардан ўтиб-қайтувчи савдогарлар ва ҳожилар қийинчиликка учрар, бу тартибсизликлар ташқи иқтисодий ва дипломатик алоқаларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатар эди. Амир Темур бу аҳволни таҳлил қилиб, ўша давр саҳнасини жуда яхши кўра олган ва йўлларнинг тинчлигини, уларнинг ишчанлигини таъминлашни, қуриш ва қайта таъмирлаш, ягона коммуникация тизимларининг хавфсизлигини кучайтиришга киришган”.*



Ҳар икки ҳукмдор мардлик ва довюракликка алоҳида эътибор берган. Чжу Юаньчжан қўшинида миллати хитой, ўзи мусулмон бўлган ўнга яқин лашкарбоши хизмат қиларди. Қолаверса, рафиқаси мусулмон оиласидан чиққан, унинг ўзи ҳам бир маҳал мусулмон исёнчилар гуруҳида қатнашган. Ўз замонасининг амиралмўмини бўлган Амир Темур эса, олимларнинг ёзишича, Қуръони Каримни ёдлабгина қолмай, балки унинг маъносини жуда яхши билар, бошқа илмларни ҳам пухта эгаллаган эди. Айниқса, фиқҳ илмида шуҳрат қозонган эди. Бу эса, ўз навбатида, унинг обрўсига обрў қўшар, халқ оммасининг унга бўлган иззат-эҳтиромини яна ҳам ортирарди.

Амир Темур, гарчи шоир бўлмаса-да, шеъриятни жуда қадрлаган, кўп асарларни ёд билган ва ўзаро суҳбатларда назмий мисол келтиришга моҳир бўлган. Алишер Навоий: *“Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”*, дея таърифлаган. Тарихда энг кўп шоир ва бошқа санъат аҳллари айнан Амир Темур замонида яшаб ўтгани ҳам шуни тасдиқлайди.

Чжу Юаньчжан эса шоир эди. Унинг “Юз сўз” қасидаси Аллоҳ таоло, ислом дини ва Муҳаммад алайҳиссалом мадҳига бағишланган. У мазкур қасидани Нанкин, Юньнан, Гуандун ва Фуцзян шаҳарларида ўзи қурдирган масжидлар деворига ёзиб осиб қўйишни буюрган. Ҳукмдорнинг исломга мойиллиги кўп одамларнинг шу шаҳарларга кўчиб бориб яшаб қолишига сабаб бўлган.

Ахир, ўзингиз ўйланг, бундан етти аср муқаддам Чин мамлакатида, бунинг устига, бирор дипломат ё шоир эмас, айнан буюк императорнинг ўзи муқаддас ислом динини, сарвари коинот Муҳаммад алайҳиссаломни мадҳ этиб қасида битиши тушимизга ҳам кирмайдиган ҳайратланарли ҳодиса-ку!

Мин сулоласининг янги императори Хонбалиқни империянинг янги пойтахти деб эълон қилди. Бугунги кунда Хонбалиқ Пекин номи билан танилган. Бу императорнинг ҳукмронлиги кўп жиҳатдан инқилобий бўлган. У Хитойда янги ерларни обод қилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни рағбатлантирди, солиқларни камайтирди, сиёсий коррупцияни бостирди ва деҳқонлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунларни жорий қилди. Қул тутишни тақиқлади ва зодагонларга тегишли ерларни камбағаллар орасида қайта тақсимлади. Император Сицзин ва Нанжингда, жанубий Юннан, Фужиан ва Гуанчжоу ҳудудларида масжидлар қурди.

Шу шаҳаншоҳ ижод қилган қасиданинг ҳар бир мисраси тўрт сўз (иероглиф) ва тўрт бўғиндан иборат. Ҳатто ҳозир ҳам Хитойдаги айрим масжидларда Расулуллоҳга бағишланган ушбу қасида осиғлиқ туради.

Аслият бежиз “Юз сўз” дейилмаганидан келиб чиқиб, биз ҳам уни юз сўз билан тажассум қилишга, қолаверса, вазн ҳамда қофия билан таъминлаган ҳолда, маснавий шаклига солиб ўгиришга уриндик.

## ЮЗ СЎЗ

**Лавҳимаҳфуз узра битилгач оти,
Холиқ яратмишдир бул коинотти.**

**Ҳазрати паямбар – келтирмишки дин,
Мағриб ўлкасида туғмиш онодин.**

**Ўттиз пора Китоб ангадир ваҳий,
Бирон сирдан ғофил эрмас даргаҳи.**

**Юз ўн тўрт минг набийни султонидир,
Беҳисоб валийни ҳукмронидир.**

**Халлоқи оламга эгиб бошини,
Илтижо айларди тўкиб ёшини.**

**Беш маҳал юкуниб ўқиркан намоз,
Баён айлаюрди дилда не ниёз.**

**Ҳожатмандлар арзин кўнглига тугиб,
Дуо қилар Аллоҳимга юкуниб:**

**“Ёраб, тилагимдан ўзингсан воқиф,
Мискинларни қўлла, ҳолига боқиб.**

**Жонлар сеникидир, кўнгиллар – тобе,
Раҳм қил аларга, этма итобе.**

**Ёраббулоламин, оламни асра,
Гунаҳкор, бенаво одамни асра.**

**Жаҳолатдан қочсак, Сенга етурмиз,
Исломинг бермасанг, қайга кетурмиз?”**

**Муҳаммад – подшоҳларнинг валийси,
Валийларнинг шоҳи, энг аввалийси...**

*“Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг ямоқ яктагига ҳам арзимас экан,* – деб ёзган эди буюк олмон шоири Гёте. – *Биз, Европа миллатлари, маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса ундан юқорироққа ўта олмайди”.*

Эътиборингизга ҳавола этилган “Юз сўз” қасидасини она тилимизга ўгириш чоғи, ҳар бир мисра устида мушоҳада қиларок, камина “Император Чжу Юаньчжан ушбу қасидада Сарвари коинотга Гётенинг таърифидан ҳам юксакроқ баҳо берган экан”, деган хулосага келдим. Муборак Рамазон кунларидаги бундай сезимлар киши дилини хушнуд этади, албатта.

ОГОҲЛИК

# “РАҚАМЛИ ҲАШАМАТ” ТУЗОҒИ

**1788 йили Францияда кучли қурғоқчилик ва дўл ёғиши натижасида ҳосил нобуд бўлади. Нон нархи кескин кўтарилиб, оддий халқ очарчиликка юз тутади. Айни шу оғир паллада қиролича Мария-Антуанетта ва сарой аъёнларининг Версалдаги дабдабали ҳаёти ҳақидаги хабарлар аксар варақа ва газеталарда бўрттирилган ҳолда тарқала бошлайди. Одамларда кучли норозилик кайфияти уйғонади.**



Мазкур инқилобда ахборот одамларни кўчага олиб чиққан бўлса, бугунги сохта ҳашамат контенти одамларни ўз ичига, депрессияга қамайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам медиа реалликни бузиб кўрсатиш орқали жамиятнинг барқарорлигига дахл қилувчи қарама-қаршиликни юзага келтиришини кўриш мумкин.

Бугунги зиддият эса очликдан ҳам кучли, у инсоннинг онг-тафаккури, руҳиятини мажруҳ қилмоқда.

## ИНТЕРНЕТГА ҚУРБОН БЎЛАЁТГАН УМРЛАР

Глобаллашган даврда “ахборот хуружи” шунчаки сўз эмас, балки рақамларда акс этаётган хавфдир. Тадқиқотчилар кузатуви ва глобал тенденцияларга таянсак, айни пайтда ёшлар кунига ўртача 4 соатдан 6 соатгача вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказмоқда. Агар инсон 60 йил яшаса ва ҳар куни 5 соатни ижтимоий тармоққа сарфласа, у ҳаётининг қарийб 12 йилини виртуал дунёга бағишлаган бўлади.

Бу вақт давомида мия тинимсиз равишда “муваффақиятли ҳаёт” манипуляцияси остида бўлиб, танқидий фикрлаш қобилиятини сўндиради. Ижтимоий тармоқлардаги “лайк”лар ва чексиз “скрол” (лентани варақлаш) миянинг мукофотлаш марказини қўзғатади. Гарвард университети тадқиқотчиларининг аниқлашича, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш миянинг худди қимор ўйинлари ёки наркотик моддалар таъсирида қўзғаладиган қисмларини ишга туширади.

Мия доимий равишда тайёр, қисқа ва визуал жозибадор маълумотни қабул қилавергач, у “чайнамасдан, тўғридан-тўғри ютиш” режимига ўтади. Яъни, хабарни чуқур таҳлил қилиш сусаяди. “Муваффақиятли ҳаёт” манипуляцияси ва танқидий фикрлашнинг сўниши қанчалик хавфли эканини 2016 йилдаги “Cambridge Analytica” воқеаси бутун дунёга исботлади. Унда миллионлаб фойдаланувчиларнинг психологик портретлари – қизиқишлари, қўрқувлари, когнитив заифликлари ўрганилиб, уларга индивидуал тарзда “ахборот хуружи” уюштирилган. Кузатувчилар ўзларини эркин қарор қабул қиляпман, деб ўйлашди, аслида, улар алгоритмлар томонидан бошқарилган эди. Бу воқеа “ахборот хуружи” нафақат шахсий депрессияга олиб келувчи, балки давлатлар тақдирини ўзгартириши мумкин бўлган кучга эгалигини кўрсатди.

## “БИЗНИ КЕМИРУВЧИ ИЛЛАТЛАР”НИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистон чор мустамлакаси остида бўлган бир пайтда, халқ ўзининг охирги сармоясини дабдабали тўйларга сарфлар эди. Жадидлар буни миллатнинг келажагини бой бериш, деб ҳисоблашган. Маҳмудхўжа Беҳбудий 1915 йилда ёзган “Бизни кемирувчи иллатлар” номли машҳур мақоласида тўй ва маросимлардаги исрофгарчиликни миллатни ичидан емирувчи асосий сабаб, деб кўрсатади.

Англаб турганингиздек, бугун биз тарихдан хулоса чиқариш ўрнига, янги-янги “урф”ларни ўйлаб топяпмиз. Ижтимоий тармоқлар эса бу борада тарғибот воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Ҳавас учун қарзлар, кредитлар олинаётган бўлса, ҳасад билан онгимиз ва қалбимизни ўлдиряпмиз. Жамиятнинг энг нозик нуқталари бўлмиш оила ва қадриятларга дарз кетмоқда.

“Одамлар шунча пулни қаердан оляпти-а? Биз ҳам ўша давлатларни кўрамизмикин?” деган гаплар кундалик муҳокамага айланган. Шунчаки жўн бўлиб кўринган бу таажжублар замирида кузатувчининг моддий имкониятлари ва оилавий аҳволи турибди.

Кўплаб ёш келин-куёвлар ўз турмушини инстаграмдаги “идеал жуфтликлар” билан солиштириб, турмуш ўртоғининг оддий меҳнати ва топганини камсита бошлайди. “Фалончи хотинига ҳар куни қимматбаҳо нарсалар совға қилар экан”, деган сохта андозаларга эргашиб, оила мустаҳкамлигини емира бошлайди. Маънавий яқинлик, қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнига, ёшлар визуал кўринишни – қаерда овқатланиш, қандай кийинишни ўйлайди. Натижа эса ҳаммага маълум.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кундаги ажримларнинг салмоқли қисми айнан “бир-бирини тушунмаслик” деб кўрсатилса-да, унинг замирида кўпинча ижтимоий тармоқлар яратган “баланд орзулар” ва реал ҳаёт ўртасидаги тўқнашув ётади. Бу – замонавий ахборот урушининг энг аянчли ғалабаси: жамиятни ичидан, оиладан туриб парчалашдир.

Маърифатпарвар жадидимиз Абдурауф Фитрат оиланинг иқтисодий асослари мустаҳкам бўлиши кераклигини, қарздорлик асосига қурилган дабдаба бу муқаддас қўрғонни ҳалокатга етаклашини илмий асослаб берган. “Қарз олиб тўй қилмоқ – ўз оиласининг пойдеворига ўт қўймоқдир”, деб ёзган. Унинг фикрича, киши “Одамлар нима дейди?” деган сохта мулоҳазалар учун қарзга ботса, у нафақат ўзининг, балки аёли ва фарзандларининг ҳам келажагини гаровга қўяди.

Ижтимой тармоқларда эрнинг аёлига машина совға қилиши ёки фарзандларнинг отасига ана шундай туҳфа бериши билан боғлиқ сохта маросимлар кўплаб учрамоқда. Аслида, улар бу дабдабани аудитория йиғиш, “лайк” ва изоҳ тўплаш, реклама берувчиларнинг эътиборига тушиш мақсадида уюштиради. Кузатувчи эса унга ҳавас қилиб, қийналиб бўлса-да, бу маросимни реал ҳаётда амалга оширишга уринади. Ачинарли жиҳати, бугунги медиа-макон тушунчасида ҳашамат андишасизларча бойлик намойишига, риёга айланиб қолди.

Интернет фойдаланувчилари дабдабали контентларни мароқ билан кузатганлари сари, уларга ана шундай мазмундаги материаллар келишда давом этаверади. Хавфнинг биринчи томони интернетга мутелик бўлса, иккинчи тарафи, бу ҳолат жамиятдаги маромийликка салбий таъсир ўтказади. Энг қиммат моделдаги телефон, энг сўнгги русумдаги автомобил… улар ана шундай давом этади. Натижада одам молпарастлик аталган югуриш йўлагига тушиб қолади. У қанча кўп югурмасин, аслида, ўз жойида тураверади. Унинг моддияти ўзгариши мумкиндир, лекин маънавияти тубанлашиб боради.

## НАЖОТ ЙЎЛИ ҚАЕРДА?

Ушбу манипуляция ва хуружлардан ҳимояланиш учун ҳар биримиз ўзимизда маънавий иммунитетни шакллантиришимиз зарур. Бунда ҳафтада камида бир кунни ижтимоий тармоқларсиз ўтказиб, диққатимизни китоб мутолаасига ёки яқинларимиз билан жонли мулоқотга қаратиш – оқилона йўл.

Ҳар қандай ҳашаматли сюжетга эга контентни кўрганда, ўзимизга: “Бу реклама эмасми? Бу расм ортида қандай реал меҳнат ёки ёлғон турибди?” деган саволни берайлик. Ўзимизни бошқалар билан эмас, ўз имкониятимиз билан солиштиришимиз соғлигимиз ва ривожланишнинг гаровидир.

Ахборот хуружи шунчаки ташқи таҳдид эмас, балки онгимизга тобора чуқур кириб бораётган вирусдир. Биз жадид боболаримиз огоҳлантириб айтган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, дабдабани эмас, маърифатни танлашимиз шарт. Унутмаслик керакки, ижтимоий тармоқлар ҳаётимизни ёритувчи чироқ ҳам, куйдирувчи олов ҳам бўлиши мумкин. Танлов ўз қўлимизда.

Ҳақиқий бахт экранда акс этмайди, у қалбдаги қаноат ва яқинлар билан ўтказилган жонли дақиқаларда яшайди.

**Шоҳиста ЮНУСАЛИЕВА,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими**

ОЛАМ ОЛИМИ



# Жеффри ХИНТОН

## Сунъий интеллект “отаси” сифатида танилган нобелчи

### БИОГРАФИЯСИ

1947 йил 6 декабрда Лондонда туғилган. Буюк Британия ва Канада фуқароси. Кембриж ва Эдинбург университетида ўқиган. У ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ кўпчилик шубҳа билан қараган нейрон тармоқлари ғоясига ишонган. Олим ўз фаолияти давомида сунъий интеллект (СИ), нейрон тармоқлар соҳаларида илмий изланишлар олиб бориб, бу соҳадаги энг машҳур тадқиқотчилардан бирига айланди. Ноодатий алгоритмни оммалаштириб, замонавий сунъий интеллект (масалан, ChatGPT) ишлаш тамойилларига асос солган.

### ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Олим сунъий интеллект соҳасида қатор муҳим технологиялар ва назарий ғояларни ривожлантирган. Унинг асосий илмий ишлари қуйидаги йўналишларни қамраб олади: сунъий нейрон тармоқлар, машинали ўрганиш, “Backpropagation” алгоритмини кенг қўллаш, “Boltzmann Machine” модели, “Deep Learning” усуллари.

2012 йилда яратилган “AlexNet!” модели тасвирни таниш технологиясида катта илмий бурилиш ясади. Бу модель компьютерлар томонидан тасвирларни инсонга яқин даражада аниқлик билан таҳлил қилиш имкониятини яратди.

### ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Жеффри Хинтон СИ соҳасига қўшган улкан ҳиссаси учун қатор нуфузли мукофотларга сазовор бўлган. Жумладан, 2018 йилда у компьютер фанлари соҳасидаги энг юқори мукофотлардан бири ҳисобланган “Turing Award”ни қўлга киритган. Шу сабабли, у кўпинча “AIнинг отаси” деб аталади.

2024 йилда Жеффри Хинтон ва Жон Хопфилд сунъий нейрон тармоқлар орқали машинали ўрганишни ривожлантирган фундаментал кашфиётлари учун физика бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот сунъий интеллектнинг назарий асосларини яратиш ва нейрон тармоқлар орқали маълумотларни қайта ишлаш усулларини ривожлантиришдаги улкан илмий ҳиссаси учун берилган.

### ОГОҲЛАНТИРИШ

2023 йилда олим “Google” компаниясидаги фаолиятини якунлаб, сунъий интеллектнинг эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ фикр билдиришни бошлади. Унинг фикрига кўра, келажакда СИ технологиялари қуйидаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин:

СИ инсондан ақллироқ бўлиб кетиши мумкин. Бу эса уни назорат қилишни мураккаблаштиради.

**Ёлғон маълумотлар тарқалиши.** СИ ёрдамида ишончли кўринадиган матн, расм ва видеолар яратиш мумкин. Бу эса фейк хабарлар ва манипуляциялар хавфини оширади.

**Иш ўринларининг камайиши.** Келажакда қатор касблар автоматлашиши мумкин. Масалан, офис ишлари, таржима, баъзи дастурлаш ишлари, хизмат кўрсатиш соҳалари. Бу эса меҳнат бозорига таъсир қилади.

**Ҳарбий соҳада қўлланиши.** СИ технологиялари қурол-яроғ тизимларида ишлатилса, бу глобал хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

### ОЛИМНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Жеффри Хинтон сунъий интеллектни ривожлантиришни тўхтатиш керак, деб ҳисобламайди. Аксинча, у СИ технологияларини эҳтиёткорлик билан ривожлантириш, халқаро қонунлар ва назорат механизмларини жорий қилиш, олимлар, давлатлар ва технологик компаниялар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришни муҳим деб билади.

Олимнинг фикрича, инсонлар сунъий интеллектдан қўрқмаслиги, балки уни масъулият билан бошқариши керак.

**Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.**

ЖАҲОН АЙВОНИДА

## РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

**2026 йил учун Forbes томонидан эълон қилинган энг бой инсонлар рўйхати тарихий рекордларни янгилади. Бу йил дунёда миллиардерлар сони 3 минг 428 нафарга етди, уларнинг жами бойлиги эса 20,1 триллион долларни ташкил этмоқда.**



Tesla ва SpaceX эгаси Илон Маск кетма-кет иккинчи йил Forbes талқинига кўра рейтингда биринчи ўринни эгаллади. Унинг бойлиги 839 миллиард долларга баҳоланмоқда. Кейинги ўринларни Google асосчиларидан бири Ларри Пейж ва шериги Сергей Брин эгаллади. Шу билан бирга, Amazon асосчиси Жефф Безос 2016 йилдан бери илк бор кучли учликка кира олмай, тўртинчи ўринни банд этди.




## ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИЛАДИ

**Қозоғистон Таълим вазирлиги ўқитувчиларига “ChatGPT edu” тизимидан фойдаланиш учун лицензиялар ажратмоқда. Бу ҳақда вазирлик расмий саҳифасида маълум қилинди.**

Дастлаб 100 мингта лицензия тақдим этилади, йил охиригача яна 100 минг ўқитувчи ушбу имкониятга эга бўлади. Ажратилган лицензиялар таълим босқичлари бўйича тақсимланади. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари учун 5 мингта, мактаблар учун 85 мингта ва коллежлар учун 10 мингта.

Лойиҳа доирасида ўқитувчилар сунъий интеллект ёрдамида дарс режалари тузиши, топшириқ ва тестлар яратиши ҳамда ўқув материалларини турли ёшдаги ўқувчилар учун уч тилда мослаштириши мумкин бўлади.

## СУДЬЯЛАР ЛОТЕРЕЯСИ

**Италия ҳукумати қадимги Рим ва Уйғониш даври Флоренциясига хос бўлган анъанани қайта тиклаш орқали суд тизимидаги коррупция ва сиёсий гуруҳбозликни йўқотишни режалаштирмоқда.**

Гап суд бошқарув кенгаши аъзоларини тасодифий танлаш – лотерея (сортиция) усули орқали аниқлаш ҳақида бормоқда.




Маълум қилинишича, ушбу шов-шувли ислоҳот 22-23 март кунлари умумхалқ референдумига қўйилади. Бу ҳолат бош вазир Жоржа Мелонининг консерватив ҳукуматини мамлакатдаги аксарият судья ва прокурорларга қарши қўймоқда.

## ҚАҲВА КУНИ

**БМТ Бош Ассамблеяси 1 октябрни Халқаро қаҳва куни деб эълон қилди. Резолюция Нью-Йоркда тасдиқланди.**



БМТ ахборот хизмати маълумотларига кўра, ҳужжатга Беларус, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон каби ўнлаб давлатлар ҳаммуаллифлик қилган.

Ҳужжатда қаҳва ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасининг бир қатор барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, жумладан, очликка қарши курашиш, ўта қашшоқликни камайтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсишга кўмаклашишга қўшган ҳиссаси таъкидланган.

## ПОЕЗД ҚАТНОВИ ТИКЛАНДИ



**Хитой ва КХДР ўртасидаги йўловчи поездлари қатнови қайта тикланади. Транспорт йўли 2019 йилда бошланган пандемия сабабли олти йил давомида тўхтаб қолган эди. Бу ҳақда BBC хабар берди.**

Хитой темир йўллари маълумотига кўра, Пекин-Пхеньян йўналишидаги поездлар ҳафтасига тўрт марта ҳаракатланади. Дандун (чегара шаҳри) ва Пхеньян ўртасидаги қатновлар эса ҳар куни амалга оширилади.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# ЎЛИМГА ТЕНГ ҲУКМ



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

**Халқимиз кексаларни жамиятнинг маънавий таянчи, тарихий хотирани сақловчи авлод сифатида қадрлайди. Тоталитар тузум ҳукмронлик қилган мудҳиш даврда бу қадриятлар инобатга олинмай, ёши улуғ, катта ҳаёт тажрибасига эга инсонлар ҳам сиёсий гумон ва айбловлар гирдобига тортилиб кетди. Қаҳрамонимиз – Шариф Юсуфбоев 1870 йили Тошкент шаҳрида туғилган, шаҳарнинг Самарқанд дарвоза кўчасида истиқомат қилган. Жамиятда обрў қозонган ҳуқуқшунос. Савдо ишлари билан тирикчилик қилган ва маҳалла ҳаётида нуроний сифатида ҳурмат топган. Аммо у кексалигига қарамай, қатағон қурбонига айланган эди.**



XX асрнинг биринчи ярми Марказий Осиё халқлари учун оғир синовлар даври бўлди. Инқилоблар, сиёсий курашлар ва кейинчалик совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган оммавий қатағонлар минглаб инсонлар тақдирини издан чиқарди. Шундай беқарор ва зиддиятларга тўла даврда, Тошкент шаҳрида Туркистон АССР ҳарбий комиссари Константин Осипов бошчилигида совет ҳокимиятига қарши қўзғолон юз берди. Тарихга “Осипов исёни” номи билан кирган бу воқеа ўлкадаги сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб, кейинги йилларда авж олган қатағон сиёсати учун ҳам муайян замин яратди.

Бунга қадар эса 1918 йил охиридаёқ Осипов раҳбарлигида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш мақсадида Муваққат қўмита ташкил этилган эди. Қўзғолон 1919 йил 18 январдан 19 январга ўтар кечаси Осипов буйруғи билан бошланиб, Туркистон АССР Марказий ижроия қўмитаси раиси В.Вотинцев, Халқ комиссарлари совети раиси В.Фигельский, Фавқулодда комиссия раиси И.Фоменко, Тошкент совети раиси Н.Шумилов ҳамда бошқа бир қатор комиссарлар отиб ташланди. Қисқа вақт ичида Тошкент шаҳри деярли тўлиқ қўзғолончилар қўлига ўтди. Бироқ кўп ўтмай, исён Қўқон, Самарқанд ва Перовск шаҳарларидан чақирилган қизил аскарлар отрядлари ёрдамида бостирилди.

Совет ҳокимияти ушбу воқеадан сўнг режимдан норози кўплаб кишиларга нисбатан кенг қамровли террор ва қатағонни бошлади. Партия ва совет идораларида “тозалаш” ишлари авж олди. Аҳолининг турли қатламларига мансуб кўплаб юртдошларимиз, жумладан, Шариф Юсуфбоев ҳам таъқиб ва жазога дучор этилди.

Тошкент XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг йирик маъмурий ва иқтисодий марказларидан бири эди. Жадид зиёлилари жамиятни маърифат, қонун устуворлиги ва замонавий билимлар асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари суришарди. Юсуфбоевнинг ҳам ҳуқуқ соҳасида фаолият юритиши, кейинчалик савдо ишлари билан шуғулланиши уни Тошкентнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти билан узвий боғлаб қўйганди. Бироқ тарихнинг бурилиш нуқталари кўплаб инсонлар каби унинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатди. Инқилоб ва ҳокимият алмашинуви натижасида ҳуқуқ тизими тубдан ўзгариб кетди. Янги сиёсий шароитда Юсуфбоев аввалги касбий фаолиятини давом эттира олмади ва тирикчилик ташвиши билан савдо ишларига бел боғлади.

Афсуски, инқилобдан кейин шаҳар ҳаётида фаол иштирок этган адвокатлар, савдогару мулкдорлар шубҳали тоифага айланди-қолди. Маҳалла ва сайлов йиғилишларида одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши текшириларди. Шундай суриштирувлар 1927 йилда Шариф Юсуфбоев тақдирига ҳам таъсир қилиб, у сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу қарор унинг фуқаролик ҳуқуқларини чеклабгина қолмай, бора-бора ҳукумат идоралари наздида “ишончсиз шахслар” рўйхатига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга инсонлар ўзбек жамиятида азалдан алоҳида ҳурматга сазовор бўлиб келган. Маҳалла ҳаётида ҳам нуронийлар маслаҳатига қулоқ тутиш, уларнинг сўзига эътибор қаратиш одатий ҳол эди. Шариф Юсуфбоев ҳам маҳаллада ана шундай обрўга эга кишилардан саналган. Шу боис, 1934 йилдан 1937 йилнинг октябригача у Куйбишев маҳалласидаги масжидда имомлик вазифасини бажариб турди. Бу лавозимни у расман тайинланган имом сифатида эмас, балки масжидда доимий имом бўлмагани сабабли, маҳалла аҳли илтимоси билан вақтинча зиммасига олган эди. Кейинчалик терговда бу ҳақда унинг ўзи ҳам таъкидлайди.

Масжид атрофида фаолият юритган, маҳалла аҳли орасида обрў қозонган инсонлар 1930 йиллар ўрталарида тез-тез текширувларга дуч келди. Натижада Шариф Юсуфбоев ҳам “назарга тушиб”, охир-оқибат, 1938 йил 23 февраль куни 72 ёшида ҳибсга олинди. Уни Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари Тошкент турмасига олиб кетишди. Тергов материалларида у Тошкентдаги сўл эсерлар ташкилоти билан алоқада бўлган, деган гумонлар илгари сурилди. Бундан ташқари, 1919 йилда шаҳарда юз берган Осипов қўзғолони билан боғлиқ айбловлар ҳам қўйилди. Унинг турли даврларга оид фаолияти шу тариқа ўзаро боғлаб талқин қилиниб, тергов ишининг асосий йўналишларидан бирига айлантирилди.

Унга “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, шунингдек, сайловчилар йиғинида СССР Конституцияси ва сайлов тизими ҳақида танқидий фикрлар билдирган, деган айблар ҳам қўйилди. Бу айбловларнинг аксарияти гувоҳлар кўрсатмалари ва чақув хатлари асосида тузилган. Айбланувчи учун бундай шароитда ўзини ҳимоя қилиш амалда жуда мушкул эди. Кекса инсоннинг терговда на ҳуқуқий ёрдамга таяниш, на бўҳтонларга муносиб тарзда жавоб қайтариш имконияти қолмаган эди.

Шариф Юсуфбоев 1938 йил 5 апрель куни Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг қарори билан 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинди, бу ҳукм унинг учун ўлим жазоси билан баробар эди.

Оила бошининг аччиқ қисмати қолганларга ҳам оғир зарба бўлди. Айниқса, турмуш ўртоғи Ойша Ҳусанова бу адолатсизликка қарши кўп курашди. Собиқ иттифоқ бош прокурори номига шикоят аризаси ёзиб, турмуш ўртоғининг ишини қайта кўриб чиқишни сўради. Мурожаат матнида кекса аёлнинг дарду изтироби яққол сезилади. “Ўзим кекса ўзбек аёли бўлиб, бошдан кечирганларим менга катта маънавий зарба берди, соғлигим бутунлай издан чиқмоқда. Бутун ишончим билан айта оламанки, менинг кекса эрим ҳеч қачон ижтимоий хавфли шахс бўлмаган ва бўлмайди ҳам”, дейди у адолат талаб қилиб. Бироқ орадан бир йил ўтгач, 1940 йил 13 апрелда қабул қилинган қарор билан Шариф Юсуфбоевга нисбатан берилган 10 йиллик жазо ўзгаришсиз қолдирилди. Унинг бундан кейинги тақдири ҳақида эса аниқ маълумотлар сақланмаган. Лагерда ҳалок бўлгани ёки бошқа бир ҳудудга кўчирилгани ҳақида ҳужжатлар ҳозирча топилмаган...

Қаҳрамонимиз қисмати ўша даврда минглаб инсонлар бошидан кечирган фожиаларнинг биргина манзараси. Шариф Юсуфбоев каби инсонлар ҳаётини ўрганиш нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, балки ўтмиш сабоқларини англаш, кексалар қадрини билиш ва жамият хотирасида уларнинг номини муносиб сақлаш йўлида ҳам муҳим аҳамият касб этади.



> Шундай яшамоқ керакки, токи ҳаётга чексиз талаблар қўйиш мумкин бўлсин.
>
> Александр БЛОК

МОЗИЙДАН САДО

# ТАЗЙИҚҚА УЧРАГАН ЧАШМА

**Нурота ўзининг Чашмаси билан азиз ва табаррукдир. Шу оби ҳаёт сабабидан Нур (Нурота) бунёд бўлган. Муҳаммад Жаъфар Наршахий “Тарихи Бухоро” асарида: “Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Харқонруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Исвоналар ўша қишлоқлар жумласидандир”, деб ёзади.**



Бухоро шаклланиб, шаҳар мартабасига етганидан кейин ҳам Нурга бўлган эҳтиром давом этади. Наршахий ўзининг тарихий асарида яна шундай ёзади: “Нур катта жой... Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили у ерга Чашма зиёрати учун борадилар. Бухоро аҳолиси Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган кишининг фазилатига эга бўлади, дея муболаға қилади. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар”.

Чашма бўйидаги зиёратчилар ва маҳаллий халқ эҳтиёжи учун мўлжалланган дастлабки жомеъ масжид IX асрларда барпо этилган бўлиб, манбаларда айтилишича, эскирган ва фақатгина пойдевори сақланиб қолган бино Бухоро хони Абдуллохон даврида (XVI аср) қайта тикланган. Обиданинг ҳозирги асоси XIX асрга тўғри келади. У 1907–1912 йилларда нуроталик машҳур маърифатпарвар, қоракўлчи тижоратчи Эшони Судур – Турсунхўжа Эшонхўжа (1872–1936) ташаббуси ва маблағи эвазига учинчи бор қайта қурилган. Масжид тўртбурчак шаклда, йигирма беш гумбазли, сатҳи 20х30 ҳажмда. Бино ёғоч ва мих ишлатилмасдан, қирқ устунлик қилиб тикланган. Шу сабабли, “Чил устун” деб аталиб, шу ном билан машҳур бўлган.

Аҳолининг чашмага бўлган эътиқоди ўз вақтида советларни ташвишга солган. Шу боис, Чашма зиёрати ва масжидга таъқиқ қўйилган. Бу чекловдан асосий мақсад, одам тўпланишининг олдини олиш бўлгани Эшони Судурнинг “Жиноят иши”да акс этган. 1919 йилда амирликда қоровулбеги бўлган 63 ёшли Худойберди Жабборов Судур иши юзасидан тергов қилинганида берган кўрсатмаларида бу ҳақиқат акс этган: *“Эшони Судур амирлик ва бекликда катта ҳурматга эга эди. Қизилларга қарши курашни 1917 йилда бошлаган. 1000-1200 атрофида одам йиғиб, Қўшработ чегарасига қизил аскарларга қарши бошлаб борди. Уларнинг сафида мен ҳам бор эдим. Аммо жанг бўлмади. Чунки у ерда қизиллар йўқ экан. Курашиш мақсадида 1922 йили яна қўшин тўплади ва Мулло Абдуқаҳҳор билан Кармана ва Ғиждувонда қизил армияга қарши курашди”.*

Ҳақиқатда босқинчиларга қарши кураш давом этган. Чашма саҳнидаги масжид – Чил устун миллий мустақилликка қатъий бел боғлаган Эшони Судур – Турсунхўжа Эшонхўжанинг йиғилиш ўтказадиган қароргоҳига айланган. 1922 йилнинг жума кунларидан бирида Чил устунда Амир Олимхон томонидан ўзига йўлланган мактубни жамоатга ўқиб бериб, Мулло Абдуқаҳҳор Бухоро амирлигининг бош лашкарбошиси этиб тайинланганини расман эълон қилади ва оммани қўшини сафига чорлайди. Чорловга биноан маҳаллий қўрбошилар Сирожхўжа, Мақсум Хўжаев, Собир полвон, Олимхўжа, Наврўз Боқиев бошлиқ гуруҳлар унинг лашкарига қўшилади.

Бу ҳаракатлардан чўчиган советлар Эшони Судурни 1928 йил 4 август куни Нуротадаги Чилламозор кўчасидаги уйида ҳибсга олиб, барча мол-мулкини мусодара қилади. Эшонга ЎзССР ЖКнинг 58-, 78- ва 242-моддаларига кўра, “Қизил армияга қарши куролли ҳужумлар ташкилотчиси ва иштирокчиси, исёнчи, судхўр” айбловлари билан жиноят иши очади. Шундан сўнг Чашма ҳам “хурофот ўчоғи” сифатида тақиққа учрайди, оёқости қилиниб, бу ерга турли корхоналар жойлаштирилади...

Ҳақ ҳамиша қарор топган. Ватанимиз Мустақилликка, халқимиз миллий ва маънавий озодликка эришиши билан Нурота Чашмаси ҳам қатағон тақиқидан озод бўлиб, яна қайта табаррук зиёратгоҳга айланди. Ҳозирда бу муқаддас маскан номига мос ҳолда тамоман янгича – нурли қиёфа касб этган.

**Суюндик МУСТАФО,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

АЗИЗ ХОТИРА



# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).**

**Шоғафур Шомансуров** – Наманган уезди Чуст шаҳрида туғилган. Отасидан эрта етим қолгач, ўз кунини ўзи кўришга мажбур бўлади ва 1911–1912 йилларда заводда ишчи, 1912–1916 йилларда газета тарқатувчи бўлиб хизмат қилади. 1916 йили мардикорликка олинган. 1917 йилда мардикорликдан қайтиб, 1918 йили большевиклар партияси сафига кирган. 1919-1920 йилларда Чуст район милицияси бошлиғи, 1928–1929 йилларда Андижон округи ижроия қўмитаси раиси лавозимида ишлаган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси бўлгани ҳамда аксилинқилобий ҳаракати учун 1936 йили ҳибсга олинган. 1936 йили суд коллегияси ҳукмига кўра 3 йил муддатга қамоқ жазосига тортилган.

**Негматулла Раҳматуллаев** – Загза қишлоғида туғилган. Ҳибсга олингунга қадар коммунал тайёрлов бўлими ходими, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Совет ҳокимиятини ағдаришга қаратилган аксилинқилобий ишлар олиб борганликда, мустақил буржуа давлатини яратиш, доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланиб, ЎзССР ЖК 66-моддаси, 1-банди билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган.

**Мўмин Хўжаев** – 1898 йили Хўжанд шаҳрида туғилган. Собиқ қулоқ, савдогар. ВКП(б)нинг собиқ аъзоси. “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” ва “Иттиҳоди Шарқ” ташкилотлари аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда Ўзбексавдо директори бўлган. 1918 йили “Миллий иттиҳод” ташкилоти топшириғи билан таниқли совет ходимлари устидан террорчилик актини амалга оширганликда ва босмачиликка раҳбарлик қилганликда, аксилинқилобий ишлар олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**Иброҳим Саркар Обидинов** – 1881 йили туғилган. Ёмонёр қишлоғидан. Қулоққа тортилган. Даставвал “Шўрои Ислом” ташкилоти таркибида бўлган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, яқин орада уруш бўлиши ҳақида ва СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган. У 2814-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

**Мулла Аранбой Саъдиев** – 1890 йили Абдужувозбоши қишлоғида туғилган. Собиқ савдогар. “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, “чет эл давлатлари билан уруш сабаб совет ҳокимияти яқинда қулайди”, деган миш-миш тарқатганликда, халқ душманлари тўғрисида раҳмдиллик кайфиятини билдирганликда айбланиб, 2814-сонли иш бўйича отувга буюрилган.

**Азизбек МАҲКАМОВ,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори**

**Нигорахон АКБАРОВА,**
**тадқиқотчи**

**(Давоми келгуси сонда).**



# КИТОБХОНЛИК ШАХСИЙ МАСАЛА ЭМАС

Бошланиши 1-саҳифада.

### МУТОЛАА ВА МАРКЕТИНГ

Бугун “китоб ўқинг”, “мутолаа ҳамма учун керак” каби умумий чақириқ ёки шиорлар билан мақсадга етиб бўлмаслигини кўриб, билиб турибмиз. Гаджет ёки китоб деган танлов ўртага ташланса, аксарият ёшлар гаджетни танлаши аниқ.

Ижтимоий тармоқлар, видеоконтентлар, сериаллар, турли ўйинлар билан бир муҳитда рақобат қилиш – китоб учун оғир. Бу жараёнда китобхонликнинг ютқазиб қўйиш эҳтимоли кўпроқ. Демак, қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маркетинг усулларидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади. Яъни китобни муайян маънода “маҳсулот”, китобхонни “аудитория”, китобхонликни эса муҳим ижтимоий муҳит сифатида оммалаштириш лозим.

“Агар китобхонликка маркетинг татбиқ қилинса, у асл адабиёт билан енгил ўқиладиган, яъни вақтни оладиган китобларни бир хил даражада тарғиб қилиб қўймайдими?” деган ҳақли савол туғилади. Айнан шунинг учун ҳам қарор ижроси борасида тезкорлик ёки расмиятчилик эмас, тўғри ёндашув муҳим.

Маркетинг – маҳсулот ёки хизматни сотиш жараёни. Асл адабиёт учун маркетингнинг асосий вазифаси асарни эмас, китобхонни тайёрлашдан иборат. Оммавий адабиётда “энг кўп ўқилган”, “тренддаги”, “кўп лайк олган” каби кўрсаткичлар асосий ўрин эгаллаши аён. Асл адабиётнинг мезонлари эса бошқачароқ: қайта-қайта ўқилиши, вақт ўтиши билан қадри янада ошиши, фикрни ўзгартириши каби омиллар бор. Асл адабиёт маркетингида ёлғон ва бўрттиришга йўл қўйилмайди. “Ҳаётингизни ўзгартириб юборадиган китоб”, “Ҳамма ўқиши шарт” каби шиорларни бундай китобларга татбиқ қилиб бўлмайди.

Қарорда назарда тутилган китобхонликни рағбатлантириш тадбирлари ҳам фақат сон кўрсаткичларига эмас, сифат мезонларига таянишни талаб қилади. Демак, китобхонликни оммавийлаштириш оммавий китобларни тарғиб қилиш дегани эмас. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишдаги маркетинг билан китобхонлик маркетинги орасидаги фарқ шунда: асл адабиёт учун маркетингнинг олий вазифаси уни асрашдир. Қарорнинг стратегик мақсади ҳам китобни жамият маънавий ҳаётининг доимий қисмига айлантириш, тўғри аудиторияга тўғри шаклда етказишдир.

### ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ КИТОБЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА

Қарорга кўра, энди барча вазирлик, идора ва корхоналарда касбий фаолиятга оид хорижий адабиётларни маҳаллий нашриётлар орқали ўзбек тилига таржима қилиб, малакали мутахассислар иштирокида изоҳлар, луғат ва мисоллар билан бойитиш амалиёти йўлга қўйилади.

Аниқ эслайман: болалигимда уйимиз чордоғида ғишт-тош, газ, қурилиш билан боғлиқ кўп китоблар бўлиб, аксарияти рус тилида эди. Отам шу соҳада ишлагани учун бу китоблар уйимизда бўлгани табиий. Кейинчалик газета таҳририяти, телевидениеда ишлаб юрганимда кўп ташкилотларнинг кутубхонасида ҳам бу ҳолатни – бошқа тиллардаги китобларни кўрганман. Ҳаммаси соҳага оид энг керакли манбалар, луғатлар, аммо уларнинг аксарияти рус, инглиз, немис ёки бошқа тилларда. Тўғри-да, ўзбек тилида ўша соҳадаги адабиётлар етарли бўлмагач, чет тилидагиларидан фойдаланилади. Бу табиий ҳол. Ўша китобларни таржима қилиш учун эса қанча вақт, пул, энергия, ва асосийси, мутахассис кераклигини лоақал тасаввур қила оламиз.

Энди бу ишлар тизимли бажарилади. Қарорда таржима ишлари “ҳар йили камида 3 тадан” деб белгиланган. Аммо ҳеч қайси соҳа мутахассислари учта адабиёт билан чекланиб қолмаслиги, тўғрироғи, қаноатланмаслиги ҳам аниқ. Бироқ мазкур йўналишда баъзи нозик нуқталар борки, буни, албатта, инобатга олиш лозим. Ҳозирча таржима қилинган кўп илмий китоблар, луғатларда аксарият атамалар бошқа тилларда қолиб кетган. Ваҳоланки, ўша атамаларнинг аксарияти учун ўзбек тилида, қолаверса, туркий тилларда муқобил сўзлар мавжуд.

Мен ҳозир “телефон”, “компьютер”, “интернет” каби ҳамма учун тушунарли, таржима қилиш шарт бўлмаган ўзлашган сўзлар ҳақида гапирмаяпман. Соҳаларда шундай сўзлар борки, уларнинг муқобили ўзимизнинг имло ёки изоҳли луғатларимизда, бадиий асарларимизда шундоққина турибди. Бу борада ўзбек тили бўйича мутахассислардан маслаҳат сўраш, керак бўлса, уларни жалб қилиш жуда яхши натижа беради.

### ФАОЛ КИТОБХОН УЧУН РАҒБАТ

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати – барча вазирлик, идора ва корхоналарда “Китоб бурчаги” ташкил этилиши, ходимлар учун ҳар ойда “Китоб ўқиш соати” йўлга қўйилиши ва ушбу фаолият бўйича ички рейтинг тизими жорий этилишидир. Классик кутубхонадан фарқли равишда жамиятга мос, очиқ, ижодий мулоқот ва фикр алмашиш майдони сифатида ташкил этиладиган “Китоб бурчаги”да ходимлар китоб билан боғлиқ муҳокама, лойиҳалар ва мулоқотларда иштирок этиши мумкин. Ҳар ойда ўтказиладиган “Китоб ўқиш соати” китобхонликни тизимли маданият ва одат сифатида шакллантиришга қаратилган механизмдир. Ички рейтинг тизими орқали энг кўп китоб ўқиган ходимни рағбатлантириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Қарорда энг кўп китоб ўқиган ходимга бир ойлик иш ҳақи миқдорида пул мукофоти берилиши белгилаб қўйилган. Энди лойиҳанинг янги босқичга чиқиши, энг кўп китоб ўқиган ходимларнинг ойлик маоши баробарида рағбатлантирилиши ҳамкасбларимизни ҳам мамнун этади.

Бугун барча ташкилотда тасвирга олиш имкони мавжуд. Энг камида сифатли видео олиш мумкин бўлган телефонлар бор. Ижтимоий тармоқларда ташкилот ходимлари учун ички гуруҳлар, саҳифалар юритилади. “Китоб бурчаги” ва “Китоб ўқиш соати”ни ана шу имкониятларга боғлаш ҳам яхши натижа беради, деб ўйлайман. Ҳар ой энг кўп китоб ўқиган ходим билан подкаст ёки суҳбат уюштириб, уни ички тармоқларда жойлашни тасаввур қилинг. Бу китобхонликнинг энг арзон ва энг таъсирли механизмларидан. Чунки бу усул китобни очиқ муҳитга олиб чиқади.

Ҳаётда кўпчилик китоб ўқийди, лекин бу ҳақда ҳамма ҳам гапиравермайди. Суҳбат ва подкастлар эса бошқаларни ҳам ўқиш, фикрларини ён-атрофдагилар билан ўртоқлашишга ундайди. Ҳар ойда бир ходим оддий тилда, ҳаётий қарашлари билан ўқиган китоби ҳақида гапирса, бошқаларда “буни мен ҳам қила оламан” деган ишонч пайдо бўлади. Ахир, ким ҳам жамоасида эътиборли, қадрли бўлишни истамайди?!

### МАҲАЛЛАГА КУТУБХОНА ҚАЙТМОҚДА

Маҳалла кутубхоналарини қайта тиклаш масаласи зарур ташаббуслардан бўлди. Ҳа, айнан қайта тиклаш. Бир пайтлар деярли ҳар бир маҳаллада кичик кутубхоналар бўларди. Ўзим ҳам болалигимда кўп китобларни айнан қишлоқ кутубхонасидан олиб ўқиганман. Аввал болалар боғчаси биносида жойлашган кутубхона кейинчалик маҳалла идораси биносига кўчди. Шундан сўнг туман ахборот-ресурс марказига бирлаштирилди, билмайман, хуллас, қишлоғимизда кутубхона ишламай қўйди.

Ҳозир эса китобхонлик маданиятини тиклаш ҳақида гап кетар экан, маҳалла кутубхонасини қайта жонлантириш масаласи табиий равишда кун тартибига чиқди. Президент қарори асосида бошланаётгани бу ишнинг расмий ва тизимли тус олаётганини, унга, албатта, масъулият билан ёндашиш лозимлигини кўрсатади. Кутубхона чет омборхона ёки вақтинчалик хонада эмас, балки одамлар кўзига кўринадиган, кириб-чиқиш осон бўлган жойда бўлиши керак. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси, маҳалла марказлари, маданият ёки ёшлар масканлари – бунинг учун энг қулай жойлардир. Лекин фақат жойлаштириш билан иш битмайди. Унинг юридик мақоми, тўғрироғи, барча ташкилий жиҳати аниқ бўлиши керак.

Энг тўғри йўл шуки, кутубхона маҳаллада жойлашган бўлса-да, ҳуқуқий жиҳатдан туман ёки шаҳар ахборот-кутубхона маркази ҳисобида туриши лозим. Чунки китоб фондини ҳисобга олиш, статистикасини юритиш, методик раҳбарлик қилиш маҳалла даражасида эмас, касбий тузилма орқали амалга оширилгани маъқул.

Навбатдаги энг катта муаммо – китоб таъминоти масаласидир. Ҳозир нашр этилаётган китоблар сони кам, уларнинг кўпи бозорга чиқади ёки катта кутубхоналарга тақсимланади. Шу ҳолатда маҳалла кутубхонаси охирги навбатга тушиб қолмаслиги учун бунга ҳам алоҳида тартиб керак.

Энг керакли адабиётлар рўйхатини тузиб, нашриётларга буюртма бериш, нисбатан арзон қоғозда, оддий муқовада бўлса ҳам, барча кутубхоналарни таъминлаш лозим. Янги чиққан, ижтимоий аҳамиятга эга китобларга мўлжалланган “Маҳалла кутубхонаси учун” деган тизим жорий этилиши мумкин: ҳар бир нашрнинг муайян қисми мажбурий тарзда маҳалла кутубхоналарига йўналтирилади. Бу бир таклиф.

Бундан ташқари, махсус “Маҳалла мутолааси” ёки “Оила учун китоб” каби мазмунли ва тушунарли асарлар туркумини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

### ЎҚИГАН ИНСОН ФИКРЛИ ИНСОНДИР

Шу асно бир савол ўртага чиқади: нега китобхонликни фақат бозор қонуниятларига ёки шахсий ташаббусга қолдирмай, давлатнинг ўзи бу билан бевосита шуғулланиши керак? Жавоби оддий: китобхонлик шахсий масала эмас, у жамоат, жамият манфаати. Китоб ўқиган инсон яхшироқ фикрлайди, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунади, танқидий фикрга эга бўлади, радикал ғояларга камроқ берилади. Бу эса фақат бир инсоннинг эмас, бутун жамият фойдасига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, давлатнинг бу соҳага сармоя киритиши, тизимлаштириши табиий жараён. Бу келажакка инвестиция киритишнинг энг тўғри кўринишидир.

Китоб ўқилмайдиган ёки кам ўқиладиган жамиятни манипуляция қилиш анча осон. Бу ерда ёлғон ахборот тез тарқалади ва популизм кучаяди. Шу боис, давлат фикрлайдиган фуқаролар кўпайишидан манфаатдор.

Энди китоб нашр этиш ишлари бозор қонуниятларига тўлиғича ташлаб қўйилмаслиги ҳақида ҳам тўхталсак. Бозор ҳаммага ҳам тенг имконият бермаслигини яхши биламиз. Агар китоб ва китобхонлик фақат бозор қонуниятларига бўйсундирилса, тенглик бузилади. Бу – пули бор одам китоб ўқийди, чекка ҳудуд ва қишлоқларда кутубхона ёки китоб дўкони бўлмаслиги мумкин, дегани. Давлат эса айнан шу ерда тенг имконият яратиш вазифасини бажаради. Китобхонлик, китоб нашр қилиш тез фойда келтирадиган соҳа эмас. Бу йўналиш бизнес учун ҳар доим ҳам қизиқ эмаслигини биламиз. Шу боис, жамият ривожи, тараққиёт асоси сифатида давлат китобхонликни турли шаклларда қўллаб-қувватлайди. Деярли барча давлатда шу ёндашув устуворлик.

**Дадахон МУҲАММАДИЕВ,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

---

**ТИЛБИЛИМ**

**“Мижжа” (мижа, мужа; форсча: мўжэ) сўзи форс-тожик тилида – “киприк”, уни ўзбек тилида асосан – “мижжа қоқмоқ” иборасида қўллаймиз. Аммо унга мумтоз адабиётда, шеъриятда нисбатан кўпроқ дуч келамиз.**



# МИЖЖА ҚОҚМОҚ

Масалан, Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонидаги бир байтда шундай ёзади:

*“Менгизлари гул-гул, мижалари хор,*
*Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор”.*

Бундан ташқари, шеърий асарларда “мижа”нинг кўплиги – “мижгон” (“мужгон”) ҳам кўп учрайди. “Мижгон” сўзи форс-тожик тилида асосан отларга қўшиладиган “-он” кўплик қўшимчаси воситасида ясалган. Маълумки, “-он” қўшимчаси “а” товуши билан тугаган отларга қўшилганда “г” ҳарфи орттирилади, мисол: “бача-г-он”, “зода-г-он”, “хожа-г-он”, “мужа-г-он”. Тожик тилида ҳам “мижгон” (“мужгон”) сўзи бадиий бўёққа эга, сўзлашувда эса кўпроқ “-ҳо” кўплик қўшимчаси ишлатилади: “мижжаҳо”.

Қизиғи шундаки, “мужгон”нинг ўзи кўпликда бўлса-да, ўзбек тилида унга баъзан “-лар” кўплик қўшимчаси ҳам қўшилади. Мисол учун Гулханий бир байтида: *“Қатл этарга мижгонлар чекти тиғи урёнлар”*, деса, Ҳабибий: *“Ўйнаб-ўйнаб кўнглим олди мужгонларинг”*, деб ёзади.

Оғзаки нутқимизда кўп ишлатиладиган *“мижжа қоқмоқ”* ибораси эса *“кўз юммаслик; ухламай, бедор ётиш; бирор нарсага диққат бўлиш”* каби маъноларни билдиради. Мисол: *“эрталабгача мижжа қоқмай чиқдим”* – *“эрталабгача киприк қоқмай, яъни ухламай чиқдим”*, *“мижжа қоқмай тингладим”* ва ҳоказо.

**Абдувоҳид ҲАЙИТ**

---

**ТАЛҚИН**

# ҚОДИРИЙНИНГ “МИНГ БИР КЕЧА”СИ

**“Жинлар базми” – Абдулла Қодирийнинг жиддий проза билан шуғулланиш йўлидаги илк уриниши. Бунгача кўпроқ ҳажв, луқма, хабарлар ёзиш билан тажриба орттирган адиб прозада ўзини жиддий синаб кўра бошлаган. Воқеликнинг жозибали талқинини топиш мақсадида адиб ўз ҳикоясини мистик услубда баён этади. Лекин бу ҳикоя биз учун мавзусига кўра эмас, ширали ифодаси билан қимматли.**



Ҳикояда қўлланган “барда”, “истак” каби атамалар ҳозир истеъмолдан чиқиб кетган. “Барда” деб қўғадан арқондай тўқиладиган чилвирга айтилади. Осма қовунларга ишлатиладиган қамиш-қўғадан тўқиладиган чилвир. Токнинг новдаларини ишкомга бойлашда ишлатиладиган калтагина арқончаларни ҳам “барда” дейишар экан. Хоразм тарафларда Барда деган исм ҳам бор, Берди эмас, айнан Барда. “Истак” дегани эса устунлар орасига маҳкамланадиган ғаврон, хипчинлардир. Тол, тутларнинг хипчинлари устунчалар белига икки-уч қатор барда билан боғлаб чиқилади. Бу истакларга ток новдаларини бардалар билан маҳкамлаб боғланади.

Адиб отанинг ҳикоялари орасига боланинг ҳолатларини қўшиб бориши билан адиблик қандай шаклланишини кўрсатиб боради. Ҳикояни эса анъанавий усулда, ушбу ҳикоям яқинда газетада чиқади, топиб ўқинглар, қабилида ташвиқ билан якунлайди. Бу худди “Минг бир кеча” эртакларидаги каби: “Қолганини эртанги кечада айтиб бераман”, дея ваъда беришга ўхшайди. Аммо давомини эртага айтиб берадиган даражага етиш осонмас. Шу сабабли, ёш адиб бундай ваъда бериш учун аввал шунга яраша мавзу топиши кераклиги устида кўп ўйланган бўлиши керак.

Абдулла Қодирий ҳикоянавис сифатида катта мерос қолдирмаган. Айниқса, мисрлик тарихчи адиб Жўржи Зайдоннинг “Фарғона келини” романи билан танишганидан кейин, йирик эпик асар яратиш ишқига тушиб қолади.

Вақти келиб, “Ўткан кунлар” ҳақиқатан адибнинг “Минг бир кеча”сига айланди. Бу асар яхлит ҳолида эмас, қисмларга бўлинган ҳолда икки йил мобайнида давомли тарзда эълон қилиб борилган шундан. Асар ҳам ёзилиб, ҳам ўқилиб, танқидий фикрлар тингланиб, таҳрирланиб, янги тафсилотлар билан бойиб борган. Бундай улуғ ишга “Жинлар базми”дек миттигина ҳикоя сабаб бўлган эса, ажаб эрмас.

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ**

---

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

**Бош муҳаррир:** Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 501
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 708
Лотин ёзувида – 11 793
Медиа кузатувчилар – 79475
Буюртма: Г – 339
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

**Масъул котиб:** Шуҳрат Азизов
**Навбатчи муҳаррир:** Акмал Жумамуродов
**Саҳифаловчилар:** Эркин Ёдгоров, Нигора Тошева



**Манзилимиз:**
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**

**Босмахона манзили:**
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

*Муассислар:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ